Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◎ № 101 (7. 190) ◎ 1990 йил 4 май, жума Баҳоси 3 тийин

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг Фармони

КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА НАФАҚА МИҚДОРИНИ КЎПАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Кўп болали оилаларнинг моддий аҳволини, ёш авлоднинг ўсиш шароитларини яхшилаш муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳисобга олиниб, Ўзбекистон ССРда кўп болали оналарга ҳар ойда тўланадиган нафақа миқдори 1990 йил 1 июлдан бошлаб икки баравар кўпайтирилсин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тонгги газеталарда

◎ **«Наврўз» халқ байрамини ўтказиш якунлари тўғрисида» Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинган. Мазкур Фармонга мувофиқ бир гуруҳ ўртоқларга фахрий унвонлар ва Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Фахрий ёрлиқлари берилди. Мукофотланганларнинг рўйхати билан рўзномаларда танишишингиз мумкин.**

◎ **Ўзбекистон ССРнинг 1990 йил биринчи кварталида ижтимоий-иқтисодий ривожланиши тўғрисида Ўзбекистон ССР Давлат статистика комитетининг ахбороти берилган.**

ҲОЗИР ҲАМ САФИМИЗДА





Совет халқи ота ва боболаримиз, акаларимиз ва опаларимизнинг мисли кўрилмаган мардлик байрами — Ғалаба кунини кутиб олишга тайёрланмоқда. Республикамизда фронт ва фронт ортининг кўпгина қаҳрамонлари истиқомат қилишади.

3 май куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида уруш ва меҳнат ветеранлари билан учрашув бўлди.

Учрашувда Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов нутқ сўзлади.

У соч-соқоллари қордек оппоқ кишиларни ўтган биринчи Май билан, Улуғ Ватан урушида қозонилган ғалабанинг яқинлашиб келаётган 45 йиллиги билан самимий табриклади.

Миллион-миллион ватанпарварларнинг ғалабага қўшган ҳиссаси салмоқли. Ўз куч-ғайратларини бирлаштирган совет кишилари ёвуз душманга қаршилик кўрсата олдилар. Ветеранлар ҳозир ҳам сафимизда. Улар қайта қуришда, ёшларни байналмилалчилик ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашда фаол қатнашмоқдалар. Ватанимиз мамлакатимизни ҳимоя қилишга, унинг қудратини мустаҳкамлашга шахсан ҳисса қўшган кишиларни эслайди ва қадрлайди.

Мамлакатимиз ҳозир мураккаб даврни бошидан кечирмоқда. Партия бошлаб берган инқилобий ўзгартишлар омманинг ижодий фаоллигини ривожлантириш учун кенг имкониятлар очмоқда.

Жумҳуриятимизда қишлоқ аҳлини ер билан таъминлаш, якка тартибда уй-жой қурилишини ривожлантириш, ижтимоий ва бошқа масалаларни ҳал этиш юзасидан катта тадбирлар амалга оширилди. Бироқ ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда ҳали анчагина муаммолар сақланиб қолмоқда. Минглаб ёшлар, айниқса аҳоли зич яшайдиган районларда ўзлари учун қизиқарли иш билан таъминланмаганлар.

Бундай оғир вазиятда мавжуд қийинчиликлардан фойдаланиб қолишга, адоват келтириб чиқаришга, турли миллат вакиллари ўртасида нифоқ уруғини сочишга уринаётган одамлар пайдо бўлмоқда. Учрашувда ҳозир миллатлараро муносабатлар муаммоларини фаолроқ ҳал этиш, мамлакатимиз халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш, ҳар қандай ақидапарастларга муносиб зарба бериш зарурлиги таъкидланди. Мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун умумий куч-ғайрат, барча соғлом кучларни жипслаштириш зарур. Бунда ветеранлар кўп ишларни қилишлари мумкин. Улар ўзларининг аниқ партиявий позицияларини, ҳаётий тажрибаларини ёш авлодга ўргатишлари керак.

Ўзбекистон ССР ҳокимият органлари, дейилди учрашувда, миллатидан қатъи назар республика меҳнаткашлари турмушини яхшилаш учун бундан кейин ҳам қўлларидан келган барча ишларни қиладилар. Уруш ва меҳнат ветеранлари алоҳида эътибор ва ҳурмат билан қуршаб олинади. Партия органлари, ҳукумат улар билан, барча меҳнаткашлар билан Ўзбекистонни ривожлантиришнинг энг муҳим масалаларини юзасидан маслаҳатлашиб иш юритади.

Учрашувда Қизил Байроқ орденли Туркистон Ҳарбий округининг қўмондони генерал полковник И. В. Фуженко, Уруш ва меҳнат ветеранлари Ўзбекистон жумҳурият кенгашининг раиси Р. Ғуломов сўзга чиқдилар.

Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан сўзга чиққан ветеранлар ўз шаҳарларига айтилган самимий сўзлар учун қизғин миннатдорчилик билдиришди. Улар ҳар доим партия билан бўлишга, қайта қуриш иши учун кучларини аямасликка ваъда бердилар.

Учрашувда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари А. С. Ефимов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ж. Ҳамидов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ш. Р. Мирсандов қатнашдилар.

СУРАТДА: учрашув пайти.

А. Горокрик сурати. (ЎзТАГ).

ТИНЧЛИК ЮРИШИ

Жумҳуриятимиздаги ва мамлакатимиздаги кўпгина шаҳарлардагидек, бугун Тошкентда Тинчлик юриши доирасидаги тадбирлар ўтказилмоқда.

Мазкур тадбирлар кўп йиллар мобайнида бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг кўламда ташкил этиб келинди. Кўп кишилик митинглар ва юришлар, Тинчлик вахталари ва шанбаликлари уюштирилар, уларда ишлаб топилган маблағлар Тинчлик фондига ўтказиларди. Бугунги кунда уларнинг аксарияти ўтмишга айланиб бораяпти, негаки Тинчлик юришларини ўтказишда ҳаддан ташқари ташкилотчиликларнинг ва расмиятчиликларнинг, тадбирлар хўжакўрсинга ўтказилишининг гувоҳи бўлганмиз. Эндиликда биз шовқин-суронли, дабдабали митинглар ва юришлардан воз кечаяпмиз. Уларнинг ўрнини нималар эгаллайди?

Бу йил Тинчлик юриши улкан умумхалқ байрами — Буюк Ғалабанинг 45 йиллиги арафасида ўтаяпти. Модомики, шу куни халқимизнинг, суронли уруш йилларини оғир юкини ўз елкасида кўтарганларнинг жанговар ва меҳнат жасоратини нишонлаш ўринли бўлса керак.

Бугун эрталаб касаба уюшмалари Тошкент область кенгашининг мажлислар залида партия, уруш ва меҳнат кексаларини шарафлаш маросими бўлди. Тинчликни ҳимоя қилиш Тошкент область комитетининг ҳамда уруш ва меҳнат кексалари комитетининг вакиллари нуроний қариялярни кириб келаётган Ғалаба куни билан табрикладилар, уларга совғаларни топширишди. Сўнгра Тинчлик юриши қатнашчилари тинчлик учун, Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги учун ҳаётини қурбон қилганларнинг хотирасини ёд этишди, Номаълум солдат қабрига ва Волгоград кўчасидаги «Мотамсаро она» ёдгорлик комплексига гулчамбарлар қўйишди. Кексалар учун Тошкент бўйлаб катта сайр уюштирилди.

Тошкентнинг кўпгина меҳнат жамоалари Тинчлик юриши доирасидаги тадбирларни тўла-тўкис ўтказишди.

С. АЛИМОВ.

Тайёргарлик тугалланмоқда

Совет халқининг Улуғ Ватан урушида қозонган Ғалабасининг 45 йиллиги тантаналарига сўнгги ҳозирлик кўрилмоқда. Тошкент отчопари ана шу умумхалқ байрамнинг жумҳуриятимиз пойтахтидаги марказига айланади. Ана шу ерда саҳналаштирилган катта ҳарбий-спорт томошаси ўтказилади.

Кеча Тошкент отчопарида 9 Май байрамини ўтказиш бўйича шаҳар ташкилий комитетининг сайёр мажлиси бўлди. Жумҳурият, Тошкент области, Тошкент шаҳрининг хизматлари, ташкилотлари ва муассасалари раҳбарлари Ғалаба байрами муносабати билан белгиланган тадбирлар ва амалга оширилган ишлар ҳақида ташкилий комитетга ахборот бердилар.

Мажлисда Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари К. А. Расулов сўзга чиқди.

Мажлисни ташкилий комитет раиси, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ш. Р. Шоабдураҳимов олиб борди.

Тўла хўжалик ҳисоби: муаммо ва ечимлар

ТАМАЛ ТОШИ

◎ Шаҳримизда ижарага ўтган корхоналар бармоқ билан санарли. Шулардан бири асфальт-бетон заводидир. Бу корхона ўзини ўнглаш учунгина ижарага ўтган эмас, албатта. Агар ростини айтадиган бўлсак, янги усулга ўтмасдан аввал ҳам, корхонада аҳвол яхши эди. Бу фақат ўзини эплолмаган, қолоқ корхонагина ижарага ўтиши керак, деган айрим фикрнинг нотўғрилигига далилдир.

ҚАЕРДА иш бир маромда борса, интизом ва масъулият мустаҳкам бўлса, ўша ерда арзигулик ютуқларга умид боғлаш мумкин. Ишчи-хизматчиларнинг кайфиятлари ҳам, инсон омили ҳам, хуллас, ҳамма-ҳаммаси ана шу тамал тошига бориб тақалади. Бундай деяётганимизнинг сабаби ҳали «ёрдамчи хўжалик» деган гаплар энди пайдо бўлганда, кўпгина корхоналар бу борада «уйқуда» бўлган кезларда асфальт-бетон заводи жамоаси бу ишга дадил қўл урди. Бевосита корхона ишчи-хизматчилари учун завод ҳовлисида «ўз томорқасида» етиштирилган дастлабки сархил мева ва маҳсулотлар харид қилина бошлади... Мана шунга ҳам орадан неча йиллар ўтди. Мана, энди корхона ижарага ўтди. Хўш, бунинг дастлабки самаралари қандай экан?

— Биз 1989 йилнинг 1 январидан бошлаб ижарага ўтдик, — дейди бош иқтисодчи Ирина Ивановна Малматина, — бунга кўплар ҳайрон ҳам бўлишди. «Сизларда ишлаб чиқариш кўрсаткичлари яхшику, нега бундай қилдинглар?» дейишди. Мана, қаранг: мен бир-иккита рақамни келтираман, шундан ҳам нима учун бу усулга ўтганимизни билиб олиш мумкин.

Ишлаб чиқаришни ривожлантириш жамғармасига аввалларн бир тийин ҳам сарфламасдик. Мана, ўтган йилнинг ўзида 609 минг сўм сарфладик. Ёки маданий-маиший, ижтимоий соҳаларни олайлик. Ижарага ўтмасдан олдин, яъни 1988 йилда ана шу мақсадлар учун 32 минг сўм сарфланганди. Ижарага ўтган — 1989 йилда эса 351 минг сўм, яъни ўн ҳиссадан зиёд сарфладик.

Булар ҳаммаси ишчи-хизматчиларимизнинг фаровонлиги учун!

— Бу яхши. Аммо бевосита ишчи-хизматчиларнинг ўз ишларига бўлган масъулиятлари, маҳсулот сифатида ўзгаришлар бўляптими?

— Комил ишонч билан айта оламанки, ижара ишга бўлган масъулиятни тубдан ўзгартириб юборди. Бундан «Аввалари интизом унчалик эмас» экан-да деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Гап шу интизомнинг сифатида. Ҳозир иш натижаси, ундан келадиган самара биринчи ўринга қўйиляпти. Демак гап қуруқ интизом, яъни ишга вақтида келиб-кетиш ҳақида эмас, айнан юқори меҳнат унумдорлигига эришиш ҳақида бормоқда.

— Шунга яраша, яъни меҳнат унумдорлиги ошганига яраша иш ҳақи жамғармаси ҳам ошяптими?

— Ижарага ўтгач, 20 фоизга ошди.

Шу ўринда иқтисодчининг гапларига илова қилмоқчимизки, баъзи жойларда фақат иш ҳақининг ошиши билан мақтанишади. Оддий, яъни мутахассис бўлмаган одамларга бунинг ёмон жойи йўқдек туюлади. Аслида у меҳнат унумдорлигининг ошишига ҳамоҳанг бўлмоғи зарур. Акс ҳолда иқтисодиётдаги мувозанат издан чиқиши мумкин. Буни унутмаслик керак.

Заводда бугунги кунда фақат асосий маҳсулот асфальт-бетондан ташқари кўплаб кенг истеъмол моллари, металл мосламалар, эҳтиёт қисмлар ва бошқа ранг-баранг маҳсулотлар тайёрланяпти. Бир сўз билан айтганда, корхона аҳли ўз харидорини топган, дейиш мумкин. Бу эса назаримизда энг муҳимидир.

Аммо бундан бу ерда ҳамма иш силлиқ кетяпти, деган хулоса чиқаришга ҳали вақт бор. Кўпгина корхоналар каби бу завод аҳлини ҳам хом ашё, материаллар етишмаслиги тез-тез қийин аҳволга солиб қўяяпти. Бу бизнингча тубдан ҳал этиш шарт бўлган энг муҳим муаммодир.

Бугунги кунда корхонанинг Ангрендаги ва Бекобод районидаги ёрдамчи хўжалигини янада ривожлантириш режалари амалга оширмоқда. Ишчи-хизматчилар учун кўрсатилаётган бу ғамхўрлик шакшубҳасиз келгусида бундан салмоқлироқ самара беради, деб ўйлаймиз. Аммо ҳозирги манзарага қараб ижара истиқболи ҳали олдинда, дегимиз келади. Буни корхонада меҳнат унумдорлигининг ошиши бир маромда бормаётганидан ҳам билиш мумкин. Масалан, у 1989 йилда 24,3 фоизга ошди, аммо бу йил мутлақо қаноатланарли эмас. Сабаби қиш фаслида — январь ва февраль ойларида корхонада тубдан таъмирлаш ишлари бошлаб юборилган. Қўриниб турибдики, корхона маъмурияти, жамоат ташкилотлари ва мутахассислари пухта ўйлаб кўрадиган масалалар бор экан: ишлаб чиқаришни тўхтатмасдан унинг иншоот ва дастгоҳларини тубдан таъмирлаш ва айни чоғда барча кўрсаткичларнинг бир маромда боришига эришиш бу катта санъатни талаб этади!

Ҳ. АКРОМОВ.

СУРАТЛАРДА: корхонанинг пешқадамлари — ишчи А. Авлеев ва газ-электр пайвандчилар гуруҳи етакчиси Х. Абдураҳимов, завод иссиқхонаси ишчиси Н. Бекмуродов.

У. Усмонов суратлари.





Янгиликлар Воқеалар Хушхабарлар

МАХСУС МАРКАЗ

◎ БУГУНГИ кунда ташқи иқтисодий алоқалар тобора кенгайиб бормоқда. Шундай бир пайтда мутахассис кадрлар тайёрлашга бўлган эҳтиёж ортиб, хорижий тилларни ўрганишга нисбатан қизиқиш кучаймоқда. Бу борада жумҳуриятимизда ҳам тадбиркорлик билан иш юритилмоқда.

Ўзбекистон пойтахтида махсус жумҳурият марказини тузишга киришилгани айни муддао бўлди. Бу марказ хорижий тилларни ўрганишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган, ташқи иқтисодий алоқалар билан шуғулланаётган ёш мутахассислар билан амалий машғулотлар олиб боради. Шунингдек, чет элларга ўқишга юбориш кўзда тутилган олий ўқув юртлари талабалари ҳам бу ерда таҳсил кўришлари мумкин.

Марказда ҳар йили 300—400 нафар толиби илмлар ўз билим ва малакаларини оширадилар. Бунинг учун ҳар ҳафтада тўрт соатдан уч марта машғулот ўтказилади.

А. АЛИЕВ.

УМУМХАЛҚ ИШИ

◎ ЯҚИНДА пойтахтимизнинг Киров районидаги 105-ўрта мактабда Ўзбекистон ССР халқ депутати Акбаржон Юсупов, район партия комитетининг биринчи котиби, район Советининг раиси Рустам Калонов, оталиқ ташкилоти — Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи, халқ таълими бўлими, «Норма» ширкатининг вакиллари, «Бодомзор», «Гидростанция» маҳалла комитетларининг фаоллари, педагоглар билан ҳамкорликда йиғилиш ўтказилди. Унда мазкур даргоҳда ўқувчиларнинг ҳар томонлама пухта билим олишлари, камол топишлари учун барча шароитни муҳайё этиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Йиғилишда ўқувчилар тамадди қиладиган ошхона қурилишини тезлаштириш, келажакда мазкур мактаб учун қўшимча бино, мажлис ўтказиладиган ҳамда жисмоний тарбия билан шуғулланадиган хоналар бунёд этиш режалари ҳақида ўзаро фикрлашиб олинди.

Э. ТЎЛАГАНОВ.

НАФИС САЙҚАЛ

◎ **КЕЙИНГИ йилларда жумҳуриятимизда тарихий ва маданий ёдгорликларни аниқлаш ва таъмирлаш борасида қатор ибратли тадбирлар кўрилди.** Бундай хайрли ишларни амалга оширишда Ўзбекистон маданият ёдгорликларини тиклаш ва таъмирлаш илмий-текшириш институти жамоасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор, албатта.

Илмий муассаса ҳузурида меъморчилик бўлимининг тузилиши айни муддао бўлди. У янги маданий марказ сифатида кенг кўламда фаолият кўрсатиб, комплекс равишда илмий кузатишларни олиб боришни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган. Турли меъморчилик ёдгорликларни атрофлича ўрганиш билан боғлиқ техникавий ҳужжатлар ва методик тавсияларни тайёрлаш борасида дастлабки ютуқлар қўлга киритилди.

Биргина Тошкент шаҳрининг ўзида юздан ортиқ археология ёдгорликлари аниқланди. Буларнинг аксарияти қайта тикланиб, нафис сайқал топди.

С. ОДИЛОВА.

ЎЗТАГ ҲУЗУРИДАГИ МАХСУС МАТБУОТ ГУРУҲИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

СУД ЖАЗО БЕЛГИЛАДИ

Улан-Удэ шаҳрида жойлашган ҳарбий қурилиш қисмида бетон қориш машинасида ишлаш чоғида юз берган бахтсиз ҳодиса натижасида ҳалок бўлган Ҳусниддин Маҳмудовни дафн этиш пайтида 26 апрель куни эрта тонгда «Бирлик» норасмий ташкилоти фаоллари гуруҳи рухсат олинмаган намойиш ташкил этганлиги илгари хабар қилинган эди.

Жамоат тартибини бузиш ташкилотчилари Ўзбекистон ССР Олий Советн Президиумининг республикада амал қилаётган фармонига мувофиқ суд жавобгарлигига тортилди.

Тошкент шаҳар Фрунзе район халқ судьяси Тошкент шаҳар ижроия комитетининг ички ишлар бошқармасидан Абдураҳим Қаюмович Пўлатов хусусида келган ишни 27 апрель куни кўриб чиқди. А. Қ. Пўлатов 1945 йилда туғилган, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси кибернетика институти лабораториясининг мудири.

Шу куни 1954 йилда туғилган, партиясиз, махсус ҳуқуқий маслаҳат идорасининг мудири Миролим Обидович Одилов томонидан қонунни бузиш содир этилгани ҳақида Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармасидан келган иш ҳам шу ерда кўриб чиқилди.

Халқ судьяси қонунбузарларнинг тушунтиришларини эшитиб, тақдим этилган материалларни текшириб, шунингдек гувоҳларнинг гапларини тинглаб, шуни аниқладики, А. Қ. Пўлатов билан М. Одилов 26 апрель куни дафн маросимида иштирок этиб ва тобут кўтариб бораётганларнинг олдида борибб, маросим қатнашчиларини қабристонга эмас, шаҳар марказига бошлаганлар. Милициянинг бу юришни тўхтатиш тўғрисидаги талабига жавобан одамларнинг бир қисми А. Қ. Пўлатов билан М. Одиловнинг даъватига мувофиқ кўчанинг ўртасига намойишкорона ўтириб олган, транспорт ҳаракатига тўсқинлик қилган ва гражданларнинг ҳаёти ҳамда саломатлиги учун хавфли вазиятни вужудга келтирган. Пўлатов юриш қатнашчиларига қарата сўзлаган нутқида партия ҳодимларини, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимларини ҳақорат қилган.

Халқ судьяси Ўзбекистон ССРнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодексига амал қилиб, граждан Абдураҳим Қаюмович Пўлатовга 1000 (минг) сўм жарима солишга қарор чиқарди.

Судья М. О. Одиловга нисбатан у содир этган ҳатти-ҳаракатнинг характерини, қонунбузарнинг шахсиятини, у илгари маъмурий жавобгарликка тортилмаганлигини эътиборга олиб, 200 (икки юз) сўм жарима солиш билан чекланиш мумкин, деб ҳисоблади.

Бу қарорлар хусусида ўн кун мобайнида шикоят қилиш мумкин.

Шуни ҳам маълум қиламизки, ЎзТАГ ҳузуридаги махсус матбуот гуруҳининг олдинги ахбороти матбуотда эълон қилинганидан кейин Тошкентда ва республиканинг бошқа шаҳарларида яшовчи бир неча кишилар кўнгироқ қилиб, «Бирлик» фаолларининг ноғоғарлик ҳаракатларидан ғазабланаётганликларини айтдилар. Бу ноғоғарлик ҳаракати катта ҳайитнинг биринчи кунида содир бўлганлиги айниқса одамларнинг ғазабини қўзғатди.

Район партия конференцияларида

ОШКОРАЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ Ҳамза райони энг йирик, саноат корхоналарига бой районлардан бири. Ишлаб чиқариш топшириқларини адо этиш ва халқ хўжалиги тараққиётига муносиб улуш қўшишда район коммунистлари олдинги сафларда бормоқдалар.

Ҳамза райони коммунистларининг X ҳисобот-сайлов анжуманида партиянинг ташкилий масалалари биринчи навбатдаги муҳим вазифалардан бири сифатида қаралди.

Район партия комитетининг биринчи секретари Б. Ю. Юсупов ўз маърузасида райондаги партиявий, мафкуравий ишлар ҳамда иқтисодий аҳвол хусусида тўхталди.

Бугунги кунда партия ва совет органлари ўз мавқеларига хос ишларнигина амалга оширяптилар. Шу боисдан ҳисобот маърузасида район партия комитетларининг бугунги кунда ижроия комитет, ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотларининг ички фаолиятига аралашмаётгани хусусида тўхталди.

Лекин бажариладиган вазифаларни ажратиш партия органларининг хўжалик фаолиятига батамом эътибор бермаслиги керак деган фикрни келтириб чиқармайди. Район партия комитетлари хўжалик органлари билан ишлашнинг янги-янги кўринишларини амалга тадбиқ этяпти, «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Е. И. Чуприн етакчилик қилаётган саноат корхоналари директорларининг уюшмаси, Б. Қ. Алиев раислик қилаётган қурилиш ташкилотлари раҳбарларининг уюшмаси мафкуравий фаолиятни ишлаб чиқариш соҳасига боғлаб олиб бориш имкониятини беряпти.

Район партия комитетлари илгариги кабинет услубидан воз кечиб, асосан жойларда, меҳнат жамоаларида бўлишяпти. Бугун партиянинг халқ билан бирдамлиги, у билан умумий дунёқарашларга эга бўлиши ниҳоятда муҳим. Шу маънода Ҳамза райони коммунистларининг «Мулоқот» ва «Мунозара» клубларида норасмий жамоаларнинг аъзолари билан мунтазам суҳбатда бўлишларини ижобий баҳолаш лозим. В. П. Чкалов номидаги Тошкент самолётсозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси қошида ташкил этилган «Мерос» клуби ҳам ўзини яхши томондан кўрсатмоқда.

Ҳисобот маърузаси районнинг ҳамма соҳаларидаги иш фаолиятини қамраб олди. Муҳокамага чиққан нотиқлар ҳам партия ишининг ютуқ ва муаммолари, КПСС Устави ва КПСС Марказий Комитетининг Ҳаракат дастури лойиҳалари хусусида фикрлари билан ўртоқлашдилар.

Сўзга чиққанларнинг ҳар бири ўз партия ташкилотининг муаммолари, район партия комитети ишини баҳолашга ҳаққоний ёндошишга ҳаракат қилдилар.

1-уйсозлик комбинатининг электр-газ пайвандловчиси Н. А. Балабуев конференцияда 390 коммунистни бирлаштирувчи партия ташкилоти вакили сифатида иштирок этди.

— Мен меҳнат қилаётган жамоа — байналмилал жамоалардан, — деди ўз сўзида у. — Унда 30 дан зиёд миллат вакиллари ишлайдилар. Жамоа ўзига хос бир оила. Корхонамиз ҳар йили 60 миллион сўм ҳажмида бунёдкорлик ишларини амалга оширади. Келгусида корхона ишининг самарадорлигини ошириш мақсадида таъмирлаш ишлари бажариляпти. Лекин бугунги кунда шаҳар аҳолисини уй-жой билан таъминлаш фақатгина корхоналар ёки хўжалик органларининг эмас, балки барча жамоатчилик ташкилотларининг ҳам вазифасидир. Уйсозлар таъминот масаласининг ҳал қилинмаётганидан ниҳоятда ташвишдалар. Партия ҳисобот-сайлов йиғилишимизда коммунистлар ўз эътиборини айнан шу масалага қаратдилар.

Тошкент Давлат медицина институти партия комитетининг секретари Ф. Н. Баҳодиров район партия комитетидан саноат корхоналари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш учун ёрдам сўради. Бундай ҳамкорлик олий ўқув юрти муаммоларини ҳал қилиш, ётоқхоналарни ва ўқув хоналарини таъмирлашда ёрдам бериши мумкин. У партия комитети ходимларининг иш малакасини ошириш масаласида тўхталиб ўтди. Шаҳар партия комитети ходимлари маълум муддат бошланғич ташкилотларда, бошланғич ташкилот етакчилари эса юқори ташкилотларда ишлаб кўрсалар бу тажриба алмашишнинг ҳақиқий амалий усули бўлар эди.

В. П. Чкалов номидаги Тошкент самолётсозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари А. Ғанихонов бошқарув аппаратлари ишидаги нуқсонлар хусусида тўхталди.

Район партия комитетида ишга янгича ёндошишга ҳали етарли эътибор берилаётгани йўқ, — деди у. — Расмиятчилик ва эскича иш юритиш усулидан тўла холис бўлиш керак деб ўйлайман. Райком бугун коммунистлар аттестацияси ўтказиш ҳақида кўрсатмалар беришни давом эттиряпти. Лекин фикримча аттестацияни тўхтатиш лозим. У бундан 2 йил илгари яхши натижалар берганди. Бугун эса бундай ишнинг нафи кўнгилдагидек бўлмаяпти. Яна бир масала: партия ташкилоти етакчиларини иш вақтида турли-туман мажлисларга жалб қилишга ҳам нуқта қўйилиши керак. Мажлисбозликлар бугунги кун талабидаги тадбирлар эмас. Партком котибининг 60 фоиз вақти шундай расмиятчиликларга, ҳужжатларни текшириш ёки бирор маълумот беришга кетаётганидан кейин, амалий иш ҳақида нималарни ҳам гапириш мумкин? Баъзи ҳолларда телефонда бир неча дақиқада ҳал бўладиган ишларни деб, кунимиз райкомда ўтади. Ваҳоланки, биз бунинг ўрнига халқнинг орасида бўлишимиз, уларнинг ташвишларини ҳал қилишимиз керак.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси партия комитетининг котиби Г. Ф. Бекмуродов фан-техника тараққиёти ва янгиликларнинг ўз вақтида ўзлаштирилмаётганлиги, қайта қуриш ва ижтимоий масалалар билан банд бўлиб, янгиликларга лоқайдлик билан қаралаётгани ҳақида ташвишланиб гапирди.

Иш билан бандлик, хотин-қизларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш масалаларига район хотин-қизлар кенгаши раиси Р. А. Собированинг маърузасида алоҳида эътибор берилди.

Коммунистлар КПСС Уставидаги «Партия ветерани» номи хусусида ҳам фикр алмашдилар. Сўзга чиққан кўплаб коммунистлар бу номга эришиш учун белгиланган 40 йиллик муддатни 20—28 йилга ўзгартириш лозимлиги ҳақида қайта-қайта тўхталдилар. Бошланғич партия ташкилотларида КПСС Устави ва Ҳаракат дастури лойиҳаларининг қизғин муҳокама қилинганлиги район конференциясида ҳам яққол кўзга ташланди.

Конференцияда партия комитетлари халқ депутатлари билан ҳамкорликда фаолият кўрсатиши лозимлиги хусусида тўхталди. Ҳамза район комсомол комитетининг котиби Б. Садриддинов партиянинг ёшларга кўрсатаётган эътибори, шунингдек, бу соҳадаги муаммолар хусусида тўхталиб ўтди.

Шу масала юзасидан сўзга чиққан ёшлар вакили, ВЛКСМ XXI съезди делегати, В. П. Чкалов номидаги Тошкент самолётсозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси комсомол комитетининг котиби А. Темошенко район партия комитетининг ёшларга муносабати ҳақида танқидий мулоҳазалар билдирди.

— Одатда қанча камчилик ва муаммолар бўлмасин, райкомларнинг фаолияти қониқарли деб топилади, — деди у. — Лекин бугунги ишга расмиятчилик юзасидан ёндошмаслик лозим. Ишни тўла ташкил этолмаган ва фаолияти қониқарсиз деб топилган партия комитетлари ўзлари истеъфо беришлари керак. Лекин биз нима учундир қанча-қанча танқидлар билдирамизу, райком ходимлари эски тартибда ва эски услубда ишни давом эттираверадилар. Бундан кейинги район партия конференцияларида биз, делегатлар, бошланғич партия ташкилотлари райком ишини баҳолашга ҳаққоний ёндошишимиз, уларга бўлган талабчанликни оширишимиз керак. X Ҳамза район партия конференциясида сўзга чиққан ҳар икки нотиқнинг бири шу йўсинда танқидий қарашларни билдирди.

Коммунистларнинг бошқарув органларига шундай талабчан муносабатда бўлаётганлари қувончли, албатта.

Конференцияда сўз олган нотиқлар ўз зиммаларидаги масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда гапирдилар. Лекин кўпгина нотиқлар минбарда фақатгина ўз жамоаларидаги иш камчиликлари билан чекланиб қолдилар. Райком фаолиятини таҳлил этиш учун қандай аниқ тадбирларни бажариш кераклиги ҳақида эса етарли тўхталмадилар.

Конференцияда Б. Ю. Юсупов район партия комитетининг биринчи секретари, Ю. И. Степаненко райкомнинг иккинчи секретари, Р. М. Раҳмонова райком секретари, З. С. Каримова район партия ташкилоти назорат-тафтиш комиссиясининг раиси этиб сайландилар.

Конференция ишида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети бюросининг аъзоси Г. В. Шевелёва ва Тошкент шаҳар халқ назорати комитетининг раиси Ф. Н. Нажмиддинов қатнашдилар.

В. МАДИМАРОВА.

ҚАЙТА ҚУРИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРАЙЛИК

БЕШ ЙИЛДИРКИ, КПСС етакчилигида жамиятимизни иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий қайта қуриш учун кураш олиб бормоқдамиз. Бу соҳалардаги қатор муаммоларни ҳал этишда ижобий силжишларга эришдик. Шу билан бирга қайта қуриш ишида иқтисоднинг эскича ёндошув усулидан воз кечдик, янгисини эса ҳали тўла ишлаб чиқолганимиз йўқ.

Ҳозирги кундаги вазият партия ва унинг фаолиятига баҳо бериши билан диққатни тортади. Бир томондан жамият пойдеворини қайтадан қуриш ишида партия етакчилик ролини ўтаётганлиги тан олинса, иккинчи томондан маълум бир кучларнинг коммунистик ғоялардан воз кечиш каби партияга қарши фикрлари эшитилиб қолмоқда.

Партия ташкилотларидаги баъзи бир коммунистлар бўлса бундан ҳатто саросимага тушиб қолмоқдалар, иккиланиш, ишончсизликкача бориб етмоқдалар. Бу айниқса жойларда ниҳоясини топган ҳисобот-сайлов йиғилишларида янада яққол сезилиб қолди. Коммунистлар талаб қилиб қўяётган муаммолар бошланғич партия ташкилотларида қандай аксини топмоқда? Аниқ режалаб қўйилган тадбирни ҳал этишда фаоллик сезиладими? Умуман, келгусига таянч бўла олгулик қандай юмушлар бажарилди, бажарилмаслигига сабаб нима бўлди?

Октябрь район XXXXI партия конференциясига тўпланган коммунистлар худди шу саволларга ҳисобот маърузасидан жавоб излаган эдилар. Ҳисобот бошқа районларники сингари конференциядан бир неча кун илгари тарқатилган эди. Йиғилган коммунистларнинг ҳаммаси ҳам маърузадан қониқмадилар чоғи, сўзга ёзилувчилар кўпайиб кетди. Сўз олувчиларнинг гапларини тўла бериш имконимиз йўқ. Аммо киритган танқидий фикрлари билан ўртоқлашиш мақсадга мувофиқдир.

— Район партия комитети олдимизда турган вазифаларга аниқ жавоб бериши керак, — дейди улардан бири — «Шарқ гули» бадиий буюмлар фабрикаси ишчиси Н. Тошхўжаева. — Бу нарса менимча ҳисоботда кенгроқ талқин этилмаган. Партия Устави лойиҳасига эса қўшимча қилиб қўйидаги таклифларни киритаман. Партия ветеранлигига 40 йилдан кейин эмас, балки 25 йил партия фаолияти билан тавсия этилса; КПСС аъзолигига номзодликка қабул қилинувчига турли хилдаги қоғозларни тўлдириб ўтириш шарт эмас, деб ўйлайман, оғзаки тавсия этилиши кифоя; аъзолик бадалини олишда барча солиқлар солиб бўлингач, қабул қилиш ўринли бўларди.

Наимахоннинг таклифларида жон бор. Бинобарин, бу ерга шундай таклифлар уюшмасидан тегишли қарор қабул қилиш мақсадида йиғилишган. Қарор бандларидан қандай жой олиши эса шу ерда ўтирган коммунистларга боғлиқ.

Тошкент политехника институти партия комитетининг котиби А. Ортиқов ҳозирги кун олий ўқув юрти таълими муаммоларига, унда етишмайдиган оддий нарсаларнинг тақчиллигига тўхталди. Унинг фикрича, ўрта мактабларда районнинг, айниқса эски шаҳар мактабларида устахоналарни ривожлантирмас экан, институтда билим олишга келаётганлар ҳам, корхоналардаги миллий ишчи мутахассисларини тайёрлаш ишлари ҳам қолиб кетаверади...

«Орзу» кўн-атторлик ишлаб чиқариш бирлашмаси Октябрь районидагина эмас, балки, шаҳримизда танилган пешқадам жамоалардан биридир. Жамоа коммунистлари ўзларини қийнаётган муаммоларни йиғиб, ишонган вакилларини бугунги конференцияга жўнатдилар. Шу боисдан бўлса керак, корхонанинг илғор ишчиси К. Рустамова ўша куни конференция минбаридан туриб куюниб гапирди. Хусусан уни уй-жой муаммоси, ер участкаларини олиш каби масалалар кўпроқ ташвишлантиришини айтди.

— Эшитишимча, корхона директорлар кенгаши фаолият кўрсатар экан, — дейди «Таштрансспецстрой» ходими А. Коченев. — Уй-жой муаммоси ҳал қилиш палласини тақозо этаётган айни пайтда биз қурувчиларга ҳам бундай кенгаш зарур. Район партия комитети келгуси ишида қурувчилар кенгашини ҳам тузиш тадбирини кўриб чиқса, яхши бўларди.

Район партия комитетининг ҳисобот маърузаси Краснохомск экспедицияси коммунистлари орасида муҳокама қилинибди. Жумладан, мазкур ташкилот партия ташкилотининг котиби Г. Печенкиннинг таъкидлашича, маърузада атроф-муҳит мусаффолиги масаласи тилга олинмаганлиги бу соҳа коммунистларида эътироз туғдирибди. Дарвоқе, жумҳурият бўйича иш олиб борувчи ҳаво тозалаш муассасаларининг асосий қисми мазкур район атрофида жойлашган экан, бу нарса район партия комитетининг эътиборидан четда қолмаслиги керак.

6-болалар касалхонасининг шифокори С. Абдуқаюмова сўзида асосан шифокорлар хизматига кам эътибор берилаётганлигига эътибор қаратилди. «Средазводхлопок» бирлашмасининг ходими С. Кительникованинг фикрича эса, ҳисобот маърузасида сайлов органлари ва райком аъзолари фаолиятига кам тўхталган. Ўзбекистон олтин ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Эгамбердиев ҳам ҳисобот маърузасида ёшлар билан ишлаш, ҳуқуқ-тартибот ва айниқса жумҳуриятимизнинг иқтисодий мустақилликка ўтиши ҳақида ҳеч гап бўлмаганини таъкидлади.

— Мен фақат район партия комитети ишига тўхталмоқчиман, — дейди делегатлардан В. Кожудуб. — Ҳисоботда бу бир ярим йил давомида йиғилган муаммоларни айтиш эмас, балки бу муаммоларни қай йўсинда ҳал этиш йўллари кўрсатилиши керак эди. Баъзилар айтгандек, биз коммунистлар хўжалик юритишдан ажралиб фақат сиёсий иш билан шуғулланишимиз керак экан. Бу чиройли сўзнинг мазмунини афсуски ҳеч ким бизга ойдинлаштириб беролмайди-да! Ахир сиёсат бу — хўжалик юритиш ёки иқтисодиётдан ажралган алоҳида нарса эмаску!..

Билиб турганингиздек, конференцияда танқид асосий ўринда турди. Анжуманда қатор фойдали таклифлар ва танқиднинг ўз ўрнини топиши танаффус пайтида райком котибидан нима учун танқид кам, деб сўрамоқчи бўлган фикримиздан қайтарди. Унинг устига райкомнинг биринчи котиби Ҳ. С. Орипов коммунистларнинг кўпдан-кўп саволларига жавоб берди. Жумладан, йиғилганларнинг кўпчилигини маърузада айтиб ўтилмаган уй-жой масаласи қизиқтирарди. Гарчи бу муаммо асосан район ижроия комитетининг ишига бевосита тааллуқли бўлишига қарамай, Ҳусниддин Сирожиддинович кенгроқ ахборот берди. Шунингдек, айтилган фикр-мулоҳазалар, танқидий гапларнинг аксарияти ҳам ижроқўм ишида ҳал бўладиган масалалардан эди. Умуман, юқорида айтиб ўтилган масалаларнинг ечимини топиши район партия комитетининг сайланувчи аъзоларига, қолаверса раҳбарларига кўп жиҳатдан боғлиқ. Шу боисдан ҳам аъзолар сонини ўн кишидан иборат сайлаш мақсадга мувофиқ деб топилди. Айниқса, котиблар сайлаш вақтида мажлисгоҳда жонланиш яхши сезилди. Коммунистлар ҳеч қандай муқобилсиз равишда котибларини қайта сайлашга қарор қилдилар. Якдил овоз билан Ҳ. С. Орипов Октябрь район партия комитетининг биринчи секретари этиб сайланди. Е. А. Лойко район партия комитетининг иккинчи секретари, Х. С. Отаматова район партия комитетининг секретари, Е. У. Усмонов район партия ташкилоти назорат-тафтиш комиссиясининг раиси этиб сайландилар.

Октябрь район партия конференциясида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ш. Р. Шоабдураҳимов иштирок этди ва сўзга чиқди.

Ф. ҲУСАНОВА.

АМАЛИЙ ИШЛАР ПАЛЛАСИ

Партия Марказий Комитетининг КПСС XXVIII съездига Ҳаракат дастурида белгилаб берилган вазифалар эндиликда ҳеч кимни бефарқ қолдирмаяпти. Оғир ва мураккаб шароит бўлишига қарамай, партияни янгилаш, унинг мавқеини мустаҳкамлаш ҳар бир коммунистнинг эътиборида бўлмоқда. Партияни тубдан қайта қуриш шунчаки иш эмаслигини, бунинг учун ҳар ким алоҳида жонкуярлик кўрсатиши зарурлигини тўла ҳис этиб турибди. Акмал Икромов район партия ташкилотининг V конференцияси бошланиши олдидан делегатларнинг ўзаро баҳс ва мулоқотларини кузатиб ана шундай якдил фикрга келдик. Гарчанд улар турли тилларда сўзлашса ҳам бир-бирларининг мақсадларини яхши англаб турардилар. Партияни тубдан қайта қуриш ва унинг жамиятдаги ролини ошириш айниқса ҳозирги шароитда жуда ҳам зарурлигига етарли баҳо берардилар.

— Конференцияга қандай фикр-мулоҳазалар билан келдингиз, — дея уларнинг айримларини суҳбатга тортдик.

— Ҳозир айни амалий ишлар даври, — дейди 2-автокомбинат партия комитети котибининг ўринбосари Мансур Зоҳиджонов. — Шундай экан, гап кам, иш кўп бўлсин. Қолаверса, бошланғич партия ташкилотларининг ҳуқуқларини кенгайтириш зарур. Тўғри, бу борада муайян силжишлар бор. Аммо туб ўзгаришларга эришишни аъзолик бадалларини ташкилотнинг ўзида унчаси қолсин, бунчаси юқорига берилсин, деган билан таъминлаб бўлмайдику! Биз конференциядан аниқ таклифларни, амалий натижаларни кутяпмиз. Унда белгиланадиган қарорлар ўйлаймизки, бундан буёнги фаолиятимизнинг асоси бўлиб қолади. Ана шундагина партияда қайта қуриш бўлади, халқнинг унга бўлган ишончи мустаҳкамланади.

— Менимча ҳам шундай, — суҳбатимизга қўшилди 1937 йилдан КПСС аъзоси, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, жумҳурият миқёсидаги пенсионер Анатолий Бирилло, — давр биздан амалий ишларни янада кўпайтиришни тақозо этмоқда.

Конференция бошланди. Делегатлар унинг кун тартибидаги масалалардан олдиндан огоҳ этилдилар. Ишчи президиуми аъзолари сайлаб олингач, тўғридан-тўғри музокаралар бошланиб кетди. Йиғилишнинг бошланишидаёқ рўй берган янгилик ҳаммани қувонтирди. Негаки, конференция делегатларига район партия ташкилотининг ҳисоботи алоҳида мажмуа тариқасида ўзбек ва рус тилларида етказилган эди. Бу — конференция ишининг боришини анча такомиллаштирди, коммунистларга етилган масалаларга кўпроқ тўхталиш ва олдиндаги вазифаларни аниқ белгилаб олиш имконини берди.

— Ҳозир КПСС тақдири билан қизиқмаётган бирон кишини топиш қийин, — дейди биринчи бўлиб сўзга чиққан Тошкент булка-қандолатчилик комбинати партия ташкилотининг котиби Фарҳод Маликов. — Қайта қуриш жамиятимизда чинакамига туб ўзгаришларни юзага келтирди. Одамларнинг фикрлаш, мушоҳада юритиш қобилияти янада шаклланди. Улар камчиликларга анча муросасиз бўлиб қолдилар. Жамиятимиздаги бу соғлом жараённинг ташаббускори Коммунистик партиянинг ўзи бўлганлиги ҳеч кимга сир эмас.

— Район партия ташкилотининг ҳисоботи билан танишиб чиқиб, ҳайрон қолдим, — дейди район партия комитети бюро аъзоси, район комсомол комитетининг биринчи котиби Шавкат Эргашев. — Партиянинг комсомолга раҳбарлик ролига ҳисоботда жуда кам ўрин берилган. Ёшларнинг муаммолари алоҳида эътибор тақозо этаётган айни пайтда бунга қандай қараш мумкин? Тўғри, район партия ташкилоти комсомолга катта ишонч билдирмоқда, бизни кўпгина масалаларда ҳамиша қўллаб-қувватлаб келмоқда. Аммо бошланғич партия ташкилотларининг қўл қовуштириб ўтирганига, хотиржамлик кайфиятига берилганига сира бепарво қараб бўлмайди. Жойлардаги комсомол ишига суст муносабат, юзакичилик ёшларимизга оддий шароит яратиб беришни ҳам ўткир муаммога айлантириб қўйишга йўл очиб бермаяптимикан? Бу ҳақда олдинги конференцияда ҳам ташвиш билан гапирган эдик. Аммо аҳвол ўзгаргани йўқ.

Кадрлар сиёсатига бўлган муносабат ҳам мени ташвишга солади. Тўғри, ҳозирги шароитда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш партиямизнинг асосий ишига айланган. Бу борада биз район партия ташкилоти билан ҳалигача келишиб ишлаяпмиз. Ҳаттоки, бошланғич комсомол ташкилотининг котиблари район партия комитетининг суҳбатидан ўтганидан кейингина иш бошламоқдалар. Комсомол ходимларини партия органларига ишга жалб этишга эса етарли эътибор берилмаяпти. Натижада ўз кадрларимизни бошқа районлар билан боғланиб, партия органларига ишга жойлашга мажбур бўлмоқдамиз. Районимиз ташкил этилганидан бери ҳукм суриб келаётган бу ҳолга қачон барҳам берилади? Ахир битта кадрни тайёрлаб етиштиришнинг ўзи қанчалик машаққатли иш.

Делегатлар конференция минбаридан район партия ташкилотига кўплаб фойдали таклиф-мулоҳазаларни билдирдилар, Ҳаракат дастурини қўллаб-қувватлаб, КПСС Уставига ўзгартишлар киритишни таклиф қилдилар.

Тан олиш керак: ҳисобот даврида район партия ташкилотида ишчанлик вазияти ҳукм сурди. Унинг сайлаб қўйилган аъзолари ўз вазифаларини сидқидилдан адо этдилар. Партияга қабул қилиш ва партия сафларининг мустақиллигини оширишда янгича услублар юзага келди. Ана шу мақсадда ишлаб чиқилган муҳим ташкилий, сиёсий ва ғоявий тадбирлар бир неча маротаба район партия комитети пленумларида, бюро ва комиссиялар йиғилишларида муҳокама қилинди. Район партия ташкилотида КПСС сафларини мустаҳкамлаш учун икки йиллик танлаш системаси таркиб топди ва ўз самарасини кўрсатди. Бошланғич партия ташкилотлари КПСС сафига қабул қилиш масалаларини ўзлари тўлиқ ҳал этиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Қабул учун талаб этиладиган ҳужжат қоғозлари бир вараққача қисқартирилди. Ана шу асосда партия аъзолигига номзодликка 23 киши қабул қилинди.

Ҳозир район партия ташкилотида 4141 КПСС аъзоси ва 62 КПСС аъзолигига номзод ҳисобда турибди. Партия сафларини мустаҳкамлашга бўлган янгича муносабат бошланғич партия ташкилотларига ўзларининг сайлов органлари таркибини мустақил равишда аниқлаш, қабул қилиш ҳуқуқини берди. Бу йилги ҳисобот сайловларида партия комитети котиблари ва партбюро котиблари яширин овоз бериш йўли билан сайландилар. Бошланғич партия ташкилотлари йиғилишларида барча юқори партия органларига сайлаш учун коммунистларнинг номзодини кўрсатиш анъанага айланди.

Ҳисобот даврида район партия комитети кадрлар ва сайлаб қўйилган фаолларнинг сиёсий ва умумтаълим даражасини ошириш учун зарур бўлган барча ишларни амалга оширди. Шу мақсадда бир қанча семинарлар, лекциялар, тажриба алмашишлар бўлиб ўтди. Шаҳар партия комитети қошидаги марксизм-ленинизм дорилфунунида юздан зиёд коммунистлар маҳоратларини оширдилар. Кадрлар ва сайлаб қўйилган фаолларни шакллантириш билан бирга коммунист раҳбарларга нисбатан талабчанлик кучайтирилди. Ҳисобот даври мобайнида район партия комитети комиссияларида, бюро йиғилишларида ва пленумларида 36 коммунист-раҳбарнинг ҳисоботи тингланди.

Конференция чинакамига ошкоралик, ўз-ўзини танқид руҳида ўтди. Бу аввалгидек йиғилишлар ўтказишдаги сийқа усулларга ўрин қолдирмади. Делегатлар минбарга олдиндан берилган кўрсатмага мувофиқ эмас, балки ўз хоҳишларига кўра чиқдилар. Уларнинг сўзлари ўша вақтнинг ўзидаёқ залга ўрнатилган махсус жиҳозлар орқали жумҳурият давлат тилига таржима қилиб турилди.

Бу ердаги яна бир ўзига хослик район партия ташкилоти аъзоларининг конференция бораётган пайтдаёқ ёпиқ овоз бериш йўли билан сайланганлиги бўлди. Қ. М. Рафиқов А. Икромов район партия комитетининг биринчи секретари, В. А. Мишин райкомнинг иккинчи секретари, Т. Т. Султонова район партия комитетининг секретари, Г. И. Медников район партия ташкилоти назорат-тафтиш комиссиясининг раиси этиб сайландилар.

Конференция ишида Тошкент шаҳар партия комитети бюросининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ташкилий-совет ишлари ва ҳудудий тараққиёт бўлимининг мудири Ҳ. К. Камолов ва Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг бюро аъзолигига номзод, шаҳар партия комитети ҳузуридаги партия комиссияси раиси В. А. Шалупов қатнашдилар.

Р. АҲМАДАЛИЕВ.

Хориждан хабарлар

⊙ СОФИЯ. Оппозициядаги Демократик кучлар уюшмаси (ДКУ) «Мустақил, демократик, фаровон Болгарияни» бунёд этиш мақсадини ўз олдига қўяди. Ана шу мақсад уюшманинг сайловолди ҳаракат дастурида акс эттирилган, ҳаракат дастурининг биринчи қисми Тодор Живков шахсий ҳокимияти режимига хотима берган ва Болгария жамиятида туб ўзгаришлар даврини очган БКП Марказий Комитетининг ўша эсда қолган 1989 йил ноябрь пленумидан сўнг ташкил топган мазкур сиёсий уюшма органи — «Демократия» рўзномасида эълон қилинган.

ДКУ сайловолди ҳаракат дастури БХР буюк халқ мажлисига 10 июнь куни сайлов эълон қилиниши муносабати билан нашр этилган. БХР буюк халқ кенгашининг вазифасига одатдаги парламент вазифаларидан ташқари мамлакат янги конституциясини ишлаб чиқиш ҳам киради. Олтита сиёсий партия ва ўнта умуммиллий ҳаракатларни бирлаштирган демократик кучлар уюшмаси болгар сайловчилари ҳукмига бир ҳужжатни тақдим этди. Ушбу ҳужжатда Болгария жамиятида юзага келган муаммоларнинг манбалари ҳамда сабаблари таҳлил этилади, уни демократиялаш йўллари, тангликдан чиқиш йўллари таклиф қилинади.

⊙ БЕРЛИН. Фашистларнинг Бранденбург-Герден собиқ қамоқхонаси маҳбусларини озод қилиш ёдгорлиги пойига анвойи гуллар қўйилди. Собиқ маҳбуслар, фашизмга қарши кураш комитетининг аъзолари, Германия Федератив республикасида фашизм даврида таъқиб этилган шахслар уюшмасининг, шаҳар жамоатчилигининг вакиллари Европадаги энг катта қамоқхоналардан бири озод этилган кунга 45 йил тўлганлигини ёдга олдилар. Нацистлар ана шу қамоқхоналарда Европадаги 19 мамлакатдан ҳибсга олинган сиёсий маҳбусларни ушлаб турган эдилар. Улар орасида коммунистлар, социал-демократлар, христианлар, шунингдек партиясизлар бор эди.

Шу муносабат билан бўлган митингда ёдгорлик раҳбари Йоахим Поллок озод қилингунга қадар умри тугаган икки минг сиёсий маҳбусни эсга олди. Бизнинг олдимизда ўша йилларнинг сўнгги гувоҳлари туришибди, деб таъкидлади у. Улар фашистларга қарши курашчиларнинг эзгу орзуларини келаси авлодларга бериш ҳуқуқига эгадирлар ва шундай қилишлари шарт. Митинг қатнашчилари ҳар қандай фашистлар ҳукмронлигига қарши, озодлик, тинчлик, инсон ҳуқуқлари ва сабр-матонат учун бундан кейин ҳам кураш олиб боришга азму қарор берганликларини айтишди.

⊙ ЛОНДОН. Буюк Британия Бош министри Дублас Хэрд Польшага расмий ташриф билан жўнаб кетди. У Варшавада мамлакат раҳбарияти билан музокаралар олиб боради ва Гданьск шаҳрига ташриф буюради, у ерда Польша «Бирдамлик» уюшмасининг раҳбари Лех Валенса билан учрашади.

Музокаралар чоғида икки мамлакат иқтисодий ҳамкорлигига ва Европа хавфсизлиги муаммоларига тааллуқли масалалар муҳокама қилинади.

⊙ ХАРАРЕ. Жанубий Африкага тўхтатиб қолишнинг ҳеч иложи бўлмаган озодлик тўлқини ёпирилиб келмоқда, деди Кейптаундаги митингда сўзга чиққан Жанубий Африка Компартиясининг бош секретари Жо Слово. Жанубий Африка компартиясининг бош секретари ЖАР ҳукумати билан 2 май куни дастлабки бевосита музокараларни бошлайдиган Африка миллий конгресси делегацияси таркибига кирган. Делегацияга конгресс президентининг ўринбосари Нельсон Мандела бошчилик қилади.

(ТАСС).



⊙ Бугунги кунда Вьетнамда турмушнинг барча соҳаларида ўзгаришлар рўй беряпти. ВКП VI съезди иқтисодиёт соҳасида ҳам, сиёсат бобида ҳам янги йўлин ёқлаб овоз берди. Съезддан кейинги ўтган тўрт йил мобайнида мамлакат экспорт қилинадиган ўз маҳсулотларини сезиларли даражада кўпайтирди.

СУРАТДА: бамбук ва тропик толалардан тўқиладиган мана шундай буюмлар ҳам экспорт қилинади. Уларни Хасонбиль вилоятидаги кооперативлардан бири тайёрлайди.



⊙ Ҳар йили баҳорда Болгариянинг шаҳар ва қишлоқлари «мартеница» (туморсимон шокила)ларга тўлиб-тошиб кетади. Уларни сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, фаровонлик тилаб бир-бирларига совға қилишади, киймларига тақиб қўйишади. Қишлоқларда уларни йил яхши келиши, ҳосил мўл бўлиши учун молларнинг шохига, дарахт новдаларига ҳам осиб қўйишади.

СУРАТДА: дизайнер Мариана Касабова мана шундай «мартеница»ларни таклиф этмоқда.

ТАСС суратлари.

ҲАМОН САФДА

ФАҚАТ сийраклашиб қолган кумушранг сочларигина унинг ёши етмишни қоралаб қолганидан далолат бериб турибди. Чақнаб турган кўзлари, ҳаракатчанлиги эса ҳануз ўша йиллардагидек. Бегард халат сиймосига қандайдир улуғворлик бахшида этаётган Евгения Иосифовна Каменева билан жумҳурият ички ишлар вазирлигининг марказий табибхонаси (поликлиникаси)да тушлик пайти суҳбатлашиб ўтирибмиз.

— Евгения Васильевна, уруш бошлангани ҳақидаги хабарни қаерда эшитдингиз?

...Сўлим ва салобатли Днепрнинг ўйноқи тўлқинлари қирғоққа шоқиласини осилтирган мажнунтолни силаб-сийпалайди. Сувнинг эпкинига юз тутган қизларнинг суҳбати эса қизигандан қизирди.

— Айтақол, кимни севиб қолдинг, Валя, — деб тегажоқлик қилаётган қизлардан бирининг гапи оғзида қолди.

— Жим!!! — енгил шабадада тинмай тўзиётган сочларини тузатишга қўл югуртирган қиз нотабиий қичқириб юборди.

Женянинг қўрқув аралаш қичқиригидан сўнггина чўмилиш жойидан сал наридаги рақс майдончасига ўрнатилган карнай томон чопаётган дам олувчиларга кўзлари тушди.

— Немис-фашист босқинчилари хиёнаткорона...

Днепропетровск шаҳар ҳарбий комиссарияти биносининг олди тумонат одам. Уйқусиз кўзлари қизариб кетган ҳарбий рўпарасига ўтирган Женяни саволга тутди:

— Тиббий ҳамширалик касбини қаерда ва қачон эгаллагансиз?

— Икки йил бурун табобат билим юртини тугатганман, — навбатдаги савол-нинг олдини олиш мақсадида қўшиб қўйди. — Ҳозир шаҳар касалхонасида ишлаяпман.

— Яхши. Эвакоспиталда хизмат қиласиз. Ҳужжатларингизни олиб тегишли жойга зудлик билан учрашинг.

1941 йил июнининг 26-куни ҳарбий хизматни бошлаган Евгения уруш йилларида ҳали минг-минг чақирим масофа босишни, не-не ҳаётлар бевақт қурбонини тасаввур қилолмасди. Дастлабки кунларданоқ инсон қиёфасидаги йиртқичларнинг қилмишига гувоҳ бўлди. Фронтга отланган эвакоспиталь Қизил Крест белгиси бўлишига қарамасдан «калхат»лар томонидан бомбардимон қилинди. 1942 йил ўрталарида уни олдинги маррага яқинроқ тиббий-санитария батальонига жўнатишди.

— Урушдан қолган энг оғир таассурот шу бўлдики, — дейди Евгения Иосифовна, — ажал ёқасида турган аскар ёки офицерни машаққатлар билан ҳаётга қайтарасан. Орадан бир зум ўтмай немис бомбаси ёки узоққа отар тўп ўқи госпиталга тушиб, эндигина яшашга умид уйғонган яраларни дунёдан бевақт олиб кетарди. Шунда бир четга чиқиб ком-юм йиғлардим. Ахир, қозиргина у менинг қўлларимни мажолсиз сийпалаб: «Раҳмат, сингилгинам», деганди. Буни унутиб бўладими!? Баъзи табиб ва ҳамшираларимиз яраларни қутқариш пайтида мардларча ҳалок бўлдилар.

Евгения Иосифовна камтарлик билан икки марта «Жанговар хизматлари учун» медалини нима учун олганини батафсил айтиб ўтишни ўзига эп кўрмади. Лекин Берлингача бориб, Рейхстаг биносида «Днепропетровскдан Берлингача» ёзувини қолдирганини ғурур билан тилга олди.

Оловли 1942 йилда партия аъзолигига қабул қилинган опа урушдан сўнг ҳам узоқ йиллар армия сафида бўлди. 1956 йили армия сафидан бўшаган Евгения Иосифовна жумҳурият ички ишлар вазирлигининг марказий табибхонасига тиббий ҳамшира бўлиб ишга кирди.

Қонуний қарилик ғаштини суришга ҳаққи бўлишига қарамасдан у ҳамон ўзининг одамлар саломатлигини сақлашдек муқаддас касбини улуғлаб келмоқда.

«Кексаларимиз — сафда» танловига

ЎЛИМЛАРНИ ҚОЛДИРИБ ДОҒДА

ҚИРҚ йил қирғин бўлса, ажали етган ўлади, дейди халқимиз. Ўша воқеа содир бўлганидан бери роппа-роса 46 йил ўтди. Ҳозиргача Валентина Александровна Розова қандай тирик қолганига ақли бовар қилмайди. Ажал четлаб ўтганига шукрона ўқиб, баҳоли қудрат милиция формасидаги кишиларга тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда.

Унинг фронтга тушиб қолиши сабаби ҳам бошқача бўлган. Уларнинг оиласи Сталинградда яшарди. Онаси икки кичик фарзандини олиб, мамлакат ичкарисига кўчди. Уйда бувиси, амакисининг икки боласи қолганди. Ҳалок бўлган келини ўрнига оналик қилаётган кампир қиш кунлари темир йўлга чиқиб, кўмир топиб келарди. Кунлардан бир кун уруш даҳшатини бошидан кечирган бу оилага яна кулфат ёғилди. Кўмирга кетаётган бувисига эргашган икки набира бомбардимон пайтида ҳалок бўлди, кампир эса касалхонага тушди.

Ёлғиз қолган 16 ёшли Валяни нотаниш старшина ўзининг сапёрлар батальонига етаклаб келди. Ҳалок бўлган санинструктор ўрнига уни олишни командирга таклиф қилди. Ёшига уч йил қўшиб айтганидан сўнггина уни ҳарбий қисм таркибига киритишди.

Кечагина онасидан узр сўраб кўчага чиққан қиз бугун қўл-оёғидан ажраган, қорнидан яраланган, чаккасидан қон оқаётган гавдали эркаклар учун тирик қолиш даракчисига айланди.

— Биласизми, ҳозир ўйлаб ўйимга етолмайман. Қандай қилиб судралиб, ёндаги автомат билан яқиндаги судраб чиққан эканмиз. Тунги жанг пайтида ўқ из қолдириб ҳар ёнингдан учиб ўтади. Агар из қолдирса яхши, демак сенга тегмаган. Нажот чуқури — ҳандақка қараб ер чизаверасан. Етиб келганингда яқиндаги ўлиб қолган бўлса борми, аламингдан ҳўнг-ҳўнг йиғлаб юборасан. Дув тўкилаётган кўз ёшларингни шоша-пиша артасан-у, ёрдам сўраб зорланаётган навбатдаги яқиндаги томон эмаклайсан.

— Валентина Александровна, мина парчаларини ҳозиргача оёғингизда олиб юрибсиз экан. Қачон яраланган эдингиз?

— Корсунь-Шевченко операцияси пайтида биз хизмат қилаётган қисм қуршовдаги немисларни асир олишда қатнашаётган эди. Ўзимиз қуршовга тушиб қолдик. Ўнлаб оғир яқиндаги жанг майдонидан олиб чиқдим. Роса ҳолдан тойдим. Бир пайт немислар миномётининг жаги очилиб қолди. Ер лой бўлгани учун тик тургандим, қолган аскарлар ётишганди. Яқинимизда мина портлади-ю, таҳдирни қаранг, мен тирик қолдим, ётганларнинг ҳаммаси ҳалок бўлишди. 13 кунгача тузукроқ тиббий ёрдам кўрсатиша олмадилар.

— Нега?

— Февраль жуда совуқ эди. Шимимнинг устидан оёғимни боғлаб қўйишганди. Қуршовдан чиққунга қадар яқиндорларни немислардан асраш мақсадида ўрмонма-ўрмон юришди. Ўзимизникилар ёрдамга етиб келишган пайтда оёғим кўкариб кетганди. Жарроҳлар қорасон бўлишидан хавфсираб кесиш кераклигини айтишди. Полкдошларимдан бири: «Ҳали бу гўдак-ку, оёқсиз қандай яшайди. Харьковга етказиб борамиз», — деб қолди. Раҳмат унга. У туфайли оёғим сақланиб қолди. Афсуски, оғриқ билан бўлиб, полкдошимнинг номини эслаб қололмабман. Ётмаган госпиталим қолмади. Уч йил даволандим. 1947 йили Тошкентга келдим.

— Валентина Александровна, Қизил Юлдуз нишони билан тақдирланган экансиз. Уни қайси жанг учун олгансиз?

— Корсунь-Шевченко операциясидаги жанглар учун.

Онахон бир зум тин олди. Мен эса жумҳурият ички ишлар вазирлиги кадрлар бошқармасида сақланаётган унинг ҳужжатларидаги сатрларни ёдимга келтираман.

Валентина Александровна Розова 1950 йилдан бери вазирликнинг марказий табибхонасидаги физиотерапия кабинетида узлуксиз ишлаб келмоқда. Жамоа ўртасида ҳурмати катта. Беморларни техника воситалари билангина эмас, ширин сўзи билан ҳам муолажа қилади.

Ўлимларни доғда қолдирган онахон 1975 йили пенсияга чиққанди. Лекин дам олишни ўзига эп кўрмай қадрдон жамоаси билан ҳамнафас бўлиб, ички ишлар идоралари хизматчилари саломатлигини асраш ишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Ғайрат БОЛТАБОЕВ,
Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги матбуот марказининг ходими, СССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

Халқ оғзаки ижодидан

СЎЗ КЎРКИ — МАҚОЛ

Узоқ йиллар мобайнида ўзининг асл маъносини йўқотмасдан оғиздан-оғизга ўтиб келаётган халқ доно сўзларининг, мақол-маталларининг умуминсоният учун, айниқса бугунги авлод учун тарбиявий аҳамияти беқиёс каттадир. «Эккиннинг чиқмаса — қайғуси бир йиллиқ, боланг ёмон бўлса — қайғуси бир умрлик» деган қардош қирғиз халқ мақолининг маъносига эътибор берсак, ҳақиқатан ҳам, тўғриси бундай бола ота-онанинг шўригина эмас, балки жамият учун ҳам хавфлидир.

Авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтиб келаётган қимматли сўзларда туққан ерни, элнинг севиш муносиб таърифини топган, «Ери бойнинг — эли бой», «Кўпни ёмонлама кўрадиган элинг, ерни ёмонлама ўсадиган экининг», — дейди халқ.

Улуғ Ватан урушн йилларида Бобуржон Момут ўғли яратган «Ватаннинг учун ўтга ташла, куймайсан, кўп учун кўлга туш, чўкмайсан», «Ёвга жонингни берсанг ҳам, сирингни берма» деган мақол-маталлари жангчиларимизга айрича мадад бериб, жанговарликка ундади.

«Ёлғон айтиб қора бет бўлгунча, тўғрисини айтиб яра бет бўл, яра бет тузалди, қора бет тузалмайди», «Хотининг ёмон бўлса, меҳмонинг кетади, боланг ёмон бўлса, дармонинг кетади, туғишганинг ёмон бўлса, аттанг билан кунинг ўтади, қуданг ёмон бўлса, армонинг ичингда кетади, қизинг ёмон бўлса, еттн отангга етади», деган доно сўзлар нақадар ҳаётий.

Улуғ юздан номи ўзиб чиққан Нўғайбой чечан дейди:

«Ақлдан ортиқ дўст борми!
Жаҳлдан ёмон қасд борми!
Йигирма бешдан яхши ёш борми!
Умрингнинг қизғин — мондан ортиқ ош борми!».

Халқ ақл-заковатининг денгиз тубидан сузиб олган инжу-маржондай шундай асл сўзлари ҳамиша одамларни ҳалолликка, тўғриликка, дўстлик ва бирликка, тотувликка ундайди. Ватанини севишга, халқининг, эл-юртнинг ор-номусн учун курашга чақиради.

Бугунги авлод шундай бамаъни мақол-маталларни ақл элагидан ўтказиб, кундалик турмуш тарзида, иш дастурида фойдаланса нур устига ъало нур бўлур эди.

Қиндирбой ТЎЛИБОЕВ,
ўқитувчи.

Диққат, янги нашр!

ТАРИҲИЙ ХАЗИНАМИЗ КЎЗГУСИ



⊙ Жумҳуриятимиз ижтимоий фанлари ҳаётида янгилик рўй берди: яқинда «Фан» нашриётида «Шарқшунослик» номи билан ҳар йили бир марта чоп этишга мўлжалланган донмий тўпламнинг биринчи сони муштарнйлар қўлига тегди.

«Шарқшунослик» — Бутуниттифоқ шарқшуносlар уюшмасининг Ўзбекистон бўлими жаридасидир. Унда жумҳуриятимиздаги барча шарқшунос олимлар шу соҳадаги фан ютуқлари, шарқшуносликнинг долзарб муаммоларига оид мақолалари, фикр-мулоҳазаларини баён этиб борадилар.

Ўрта Осиёда шарқшунослик фани ўзига хос тарихга эга. Маълумки, араб истилоси ва ислом динининг бу ерда тарқалиши натижасида араб ёзуви ва араб тилида, сўнгра форс ва туркий тилнинг чиғатой лаҳжасида фаннинг турли соҳасида, бадиий адабиёт соҳасида минг-минглаб асарлар битилди. Афсуски, уларнинг талайгина қисми ўтмишда юз берган қонли курашлар ва турли офатлар туфайли бизгача етиб келмаган. Буюк аждодларимиз — Беруний ва Ибн Сино замонидаги Бухоро қўлёзмалари, Муҳаммад Тарағай Улуғбек жамлаган Самарқанд қўлёзмалар хазинаси, шунингдек, Алишер Навоий раҳнамолигида тўпланган Ҳирот қўлёзма асарларининг тақдири ҳалигача биз учун мавҳум бўлиб қолмоқда. Баҳоланки, ўша вақтлардаёқ қўлёзма асарларни авайлаб-асраш, уларнинг турли тарздаги нусхаларини кўпайтириш, хаттотлик ва мусаввирликнинг хилма-хил йўналишларини вужудга келтириш масалалари устида талайгина ишлар қилинган. Бундай воқеликларнинг ҳар бири маданий ҳаётимизда сезиларли из қолдирган. Аммо ўлкамизда қўлёзмаларнинг ҳозирги замон шарқшунослиги маъносидаги илмий тадқиқи кейинроқ, аниғи, инқилобдан кейин бошланади. Бу вақтга келиб, «Шарқшунослик»нинг қириш мақоласида таъкидланганидек, Ўзбекистондаги шарқ ёзма мероси асосан Давлат халқ кутубхонасида (ҳозирги Алишер Навоий номли Ўзбекистон ССР Давлат кутубхонаси) йиғилган эди. Кейинроқ бу ерда «Шарқ бўлими» очилиб, унда қўлёзма ва тошбосма китоблар сақланадиган бўлди. Улуғ Ватан уруши тугаши арафасида, аниқроғи, 1944 йил январида, ҳукумат қарори билан «Шарқ бўлими» ўрнида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Шарқ қўлёзмаларини ўрганиш институти ташкил топди. 1950 йил ноябридан бу илмий-тадқиқот институти Шарқшунослик институти деб аталиб, 1957 йил унга Абу Райҳон Беруний номи берилди. Ҳозирги вақтда шарқшунослик институтида 40.000 асарни ўз ичига олган 18.000 жилд қўлёзма китоб, Ўрта Осиё хонликларининг бир неча ўн минг ҳужжатлари, XIV—XX асрларга оид вақфномалар, ёрлиқлар, 30 мингдан ортиқ тошбосма асарлар сақланмоқда.

Институтда жамланган қўлёзмалар вақт ҳисоби билан минг йиллик даврни ўз ичига олади. Уларнинг энг қадимгиси X аср — 955 йилда ва энг кейингилари XX асрнинг йигирманчи йилларида кўчирилган. Бу улкан хазина араб, форс, туркий, пушту, урду ва бошқа тилларда битилган асарлардан иборат ва ўрта асрларда Шарқда мавжуд бўлган деярли ҳамма фан соҳаларини қамраб олади. Ўз илмий аҳамияти жиҳатидан жумҳуриятимизнинг ушбу илм даргоҳида тўпланган қўлёзмалар фонди бутунжаҳон миқёсида энг бой ва нуфузли фонд ардан бири саналади. Институтда ўтмишда аждодларимиз ақл-заковати ва кўз нури билан яратилган ана шу маънавий хазинани халққа етказиш борасида анча ишлар қилинган ва улар давом эттирилмоқда. Айни вақтда бу ерда хорижий Шарқ мамлакатларида ҳозирги пайтда рўй бераётган муҳим ижтимоий ва маданий жараёнларни ҳам тадқиқ этишда маълум муваффақиятлар қўлга киритилган. Шарқшунослик фанининг ана шу икки йирик йўналиши — бой ўтмиш меросимизни ўрганиш ҳамда ҳозирги замон муаммоларини тадқиқ этиш ишлари биргина Шарқшунослик институти билан чекланмасдан, балки жумҳуриятимизнинг бошқа илм даргоҳлари, чунончи, Қўлёзмалар институти, Тошкент Давлат дорилфунунининг Шарқ факультети ҳамда Самарқанд дорилфунунида ҳам олиб борилмоқда.

«Шарқшунослик»нинг дастлабки жилдида чоп этилган мақолалар жумҳуриятимиз шарқшунослик фанининг ҳар иккала жабҳасига тааллуқли бўлиб, улар билан таништан ўқувчида бу фаннинг бизданги асосий муаммолари ва қамрови ҳақида тасаввур ҳосил этишга умид боғлаши мумкин. Бир қатор мақолалар, қўлёзма асарлар, уларнинг аҳамияти, илмий қиммати шу китобларни вужудга келтирган алломалар ҳақида қисқа қилса, бошқа бир гуруҳ материалларда Ўрта Осиёнинг хорижий Шарқ мамлакатлари билан маданий алоқалари тарихи баён этилган. Уларда ҳозиргача кўпчиликка маълум бўлмаган қизиқарли маълумотларга дуч келинади. Масалан, У. И. Каримовнинг «Ибн Синога табобатдан дарс берган олим» мақоласида Ўрта аср табобатининг даҳосига устозлик қилган, унга бу борада бевосита илм ўргатган олимлардан Бухорода туғилган ва сомонийлар саройида табиб бўлиб хизмат қилган, «Замонасининг нодир ва буюк кишиларидан бири, тиб санъатидаги маҳорати билан шуҳрат қозонган» Абу Мансур Ал-Ҳасан ибн Нуҳал Қумрий ҳақида жуда қизиқ маълумотлар келтирилган. Ўтмиш фан ва маданият тарихимизга оид ана шу каби янгиликларни П. Г. Булгаковнинг Ўрта Осиё олимларининг Бағдоддаги фаолиятига, И. Абдуллаевнинг Ас-Саолибий фаолиятига бағишланган ва бошқа қатор мақолаларда ҳам учратамиз. Қадимий меросимиздан ҳикоя этувчи ана шундай мақолалар ҳақида сўз борар экан, тўпламда чоп этилган М. Ҳасановнинг шарқ табобатида олти зарур нарса (ситтаи зарурия) деган истилоҳ тўғрисида фикр юритилган рисола ҳусусидаги мақоласи ҳақида ҳам икки оғиз гапириш жоиздир. Бобурнинг таклифи билан Ҳиндистонга борган ва ўша даврнинг машҳур табибларидан бири — Юсуфий томонидан 1542 йилда ёзилган «Рисолаи ситтаи зарурия» китоби ҳақидаги маълумотлар, ундан келтирилган парчалар шуни кўрсатиб турибдики, бундай китобларнинг кўп нусхада чоп этилиши нафақат шарқ табобати тарихини ўрганиш учун, балки халқимиз саломатлиги йўлидаги аҳамиятга молик тадбирлардан бири сифатида ҳам баҳоланиши мумкин. Тўпламдаги яна бир янгилик — бу Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг дастхатига бағишланган С. А. Азимжонованинг мақоласидир. Унда Бобурнинг беш юз йил ошо бизгача етиб келган ва ўз қўли билан битган мисралари ҳақида сўз боради.

«Шарқшунослик» саҳифаларида ёритилган ҳозирги замон хорижий шарқ муаммоларига оид мақолалар ҳам ўқувчида катта қизиқиш уйғотиши шубҳасиз. Уларнинг аксариятида ҳозиргача кенг китобхонлар оммасига маълум бўлмаган кўпгина далиллар келтирилган, янги умумлашмалар мавжуд. Н. Иброҳимовнинг ҳозирги араб тилшунослигининг долзарб масалаларига бағишланган, Й. Ҳошимовнинг жанубий Осиё халқларининг шу кунлардаги аҳволи ҳақида ҳикоя қилувчи мақолалари ҳамда Д. В. Валиеванинг Эрондаги ислом инқилобининг раҳнамоси Руҳулло ал-Ҳумайнининг бу мамлакат ҳаётида тутган ўрни ва роли хусусидаги мақоласи шулар жумласига киради.

Умуман олганда, «Шарқшунослик» мажмуасидек доимий илмий-оммабоп нашрнинг ташкил этилиши беистисно ҳайрли бир иш бўлди. Ҳар бир дастлабки қадамда бўлганидек, унинг биринчи сонида ҳам маълум камчиликлар ва айрим нуқсонлар бор, албатта. Кўпгина ҳолларда мақолалар ҳажмида мутаносиблик йўқ. Ундан ташқари, илмий аппарат, иловалар масаласи бир қолипга солинмаган. Мақолаларнинг асосий қисмидаги таянч манбалар русча транскрипцияда берилгани ҳолда, баъзиларида араб ёки латин алфавитида берилган. Бобурнинг дастхатига бағишланган мақолада унинг ўз қўли билан ёзилган парча ҳам илова этилиши лозим эди. Мажмуанинг бундан кейинги нашрларида нодир қўлёзмалардан кўпроқ иловалар берилса, шунингдек рангли тасвирда шарқ миниатюраси санъатидан ҳикоя этувчи тасвирлар ҳам бериб борилса мақсадга мувофиқ бўлур эди. Юқорида таъкидлаганимиздек, «Шарқшунослик» ҳозирча йилига бир марта чоп этилишга мўлжалланган. Бу эса жуда кам. Жумҳуриятимиздаги илмнинг шу соҳасига бўлган талаб ва қизиқишни ҳисобга олиб, уни камида икки марта, иложи бўлса ҳар кварталда бир чиқадиган нашрга айлантириш устида ҳам ўйлаб кўрилса ёмон бўлмас эди.

Баҳриддин МАННОНОВ.

Советлар мамлакатида

⊙ ВОЛГОГРАД ОБЛАСТИ. Одатда металлургия корхоналарини биз узоқдан, бурқираб турган тутунидан билиб оламиз. Аммо Волжск шаҳри яқинидаги «Италимпянти» фирмаси томонидан қурилган электрометаллургия комплекси мамлакатимиздаги бошқа шу хилдаги корхоналардан тубдан фарқ қилади. Чунки бу ерда шундай технология ечимлари кўзда тутилганки, улар атмосферага ҳар қандай чиқиндиларнинг чиқариб ташланишига барҳам беради.

Йил бошидан бери электрометаллургия комплексида чексиз қувурларни ва думалоқ заготовкаларни ишлаб чиқарувчи қувватлар ўзлаштирилмоқда. Улар нефть-газ қазиб чиқариш саноатида қўлланилади.

⊙ НАХИЧЕВАН. Бир ойлик узилишдан сўнг Нахичеванга пассажир поездлар қатнови яна тикланди. Улардан биринчиси — Боку—Норашин оралиғида қатнайдиганн — автоном республика пойтахтига етиб келди.

Озарбайжон темир йўли Нахичеван бўлими бошлиғи М. Фараевнинг «Озаринформ» мухбирига маълум қилишича, поездлар ҳаракати графикка мувофиқ бўлмоқда. Йўлнинг Мегри участкасида пассажирлар ташиш хавфсизлигини таъминлаш учун составларни ҳарбий хизматчилар кузатиб бормоқда. Уларнинг ёрдамида юк поездларининг ҳаракатн ҳам назорат остига олинди, машинистлар ишининг хавфсизлиги таъминланди.



КОРХОНАНИНГ ИККИНЧИ ЕШЛИГИ

УКРАИНА ССР. Киевдаги «Юность» тикувчилик бирлашмасида ишлаб чиқаришни тўхтатмасдан туриб, хорижий фирмалар ёрдамида жиддий реконструкция ишлари олиб борилмоқда. Айни вақтда мақсулот ишлаб чиқариш ҳажми қисқариш ўрнига ошиб бораяпти.

Мана икки йилдирки, бирлашма хўжалик ҳисобида, иш юритмоқда. Ана шу вақт мобайнида унинг даромади 6,5 миллион сўмга етди. Ортиқча даҳмазанинг нима кераги бор, тинчгина ишлайверишса бўлмайдими, деб ўйлаш мумкин эди. Аммо бу ердагилар бошқача ўйлашади. Шунинг учун ҳам қарийб олти миллион сўмлик чет эл валютасига тушган реконструкцияни амалга оширишга жазм этдилар. Бошқа соҳалар каби тикувчилик саноатида ҳам келажакдаги муваффақиятлар янги технологияларга, компьютер системасига боғлиқ. Аммо бунга касб жиҳатидангина эмас, маънавий жиҳатдан ҳам тайёр бўлиш керак.

Ускуналарни ўрнатиш ишларини ҳадемай тугатиш ва декабрь ойига келиб лойиҳа қувватига эришиш режалаштирилмоқда. Бу демак бир йилда корхона 1 миллион дона спортчилар курткаларини ишлаб чиқарадиган бўлади. Бу маҳсулотларни хориждан келтирган бўлса ҳам биргина дастгоҳлар ёрдамида ишлаб чиқариш амри маҳол. Бунда фақат тажрибали ишчиларнинг маҳоратигина кўл келиши мумкин. «Юность» чеварларининг маҳоратига эса таънно айтсангиз бўлади. Бирлашмада бир дона маҳсулотни ишлаб чиқариш учун жумҳуриятдаги ўртача кўрсаткичдан кам вақт сарфланади.

СУРАТЛАРДА: бирлашманинг модельер-рассомлари Лидия Маслаченко (чапда) ва Наталья Сапон болалар богчасининг тарбияланувчилари билан; бичиш цехидаги замонавий ускуналар ишчиларнинг меҳнатини енгиллаштирибгина қолгани йўқ, электроника маҳсулотнинг сифатини янги босқичга кўтариш имконини ҳам берди. Бошқарув пультида — газлама тахловчи Виктория Жесткова.

А. Малаховский (ТАСС) суратлари.



Зиё маскани оталиғида

БОЛАЛАР орасида китобхонликни ривожлантириш йўлида қатор яхши тадбирлар кўрилмоқда. Бундай хайрли ишни амалга оширишда Тошкент шаҳар болалар кутубхонаси жамоасининг иштироки ва қўшаётган ҳиссаси катта бўлмоқда.

Зиё масканн болалар уйлари, мактаб-интернатлар кутубхоналари фондини бойитишга ҳам киришди. Жумладан, 76-мактаб-интернат яқинида кутубхона оталиғига олинди. Тарбия масканн кутубхонасида иш юритишни ҳар томонлама яхшилаш юзасидан қатор тадбирлар режалаштирилди.

Ўқувчи ёшлар ўртасида фаол қироатхонликни ўстириш мақсадида мактаб-интернатда ҳафтанинг ҳар пайшанбаси китоб мутолааси куни деб эълон қилинди. Ўша куни болаларга дарс тайёрлаш учун топшириқлар берилмайди. Улар бўш вақтларини билим масканн қироатхонасида ўтказиб, турли адабиётларни мутолаа қилишга сарфлайдилар. Бу соҳада ёш китобхонларга кутубхоначи С. Скрипкина методик ёрдам кўрсатиб, уларнинг адабиётларни танлаш, кутубхона каталогидан фойдаланиш каби библиографик ишлар билан шуғулланишлари учун яқиндан кўмаклашмоқда.

Шаҳар зиё масканн ўз фондидаги 1700 нусхадаги адабиётларни мактаб-интернатга тортиқ қилди. Бу қўшимча китоблар орасида бадиий, илмий-оммабоп, техникага доир нашрлар ҳам бор. Шундай қилиб, тарбия масканн кутубхонаси фондидаги адабиётлар сони 21 минг нусхадан ортиб кетди.

Кутубхона қироатхонасида «Янги китоблар», «Китоб, ўқувчи, китобхон» бурчакларн қайтадан ташкил қилинди.

А. АКБАРОВ.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ

«Ихтирочи» ҳавзасида

⊙ Узанн Қоржонтоғдан бошланувчи Келес дарёси шаҳримизга чегарадош бўлган Тошкент районн орқали оқиб ўтади. Ёз фаслида шу томонга йўли тушган киши болаларнинг мазза қилиб чўмилаётганини кўрмаи мумкин. Бу жойларда сув ҳавзаларнинг бўлиши шарт эмас. Аммо шаҳарда-чи!

ПОЙТАХТИМИЗ ҳудудларида яшаётган кичкинтойлар ҳам ёзда чўмилиб, ГТО нормативига киритилган сузиш сирларини мукаммал ўрганишаяптими? Афсуски, бу саволга «Ҳа» деб жавоб бериш қийин. Сабаби, ўтган йили турар жойлардаги ҳовузларни кўздан кечирганимизда кўпларн кўмилиб кетгани, борларига эса сув тўлдирилмаганининг гувоҳи бўлган эдик. Ҳадемай яна ёз келади, аммо ҳовузлар мавсумга тахт қилинмоқда, деб айтолмаймиз.

Келажак авлод болалигидан чиниқиши лозимлиги таъкидланмоқда. Шу ўринда Ирригация бўйича ихтисослаштирилган давлат ихтирочилик бюроси сув ҳавзасида олиб борилаётган ишлар ҳақида тўхталишни истардик.

«Ихтирочи» деб номланган бу спорт иншооти ёзин-қишин ишлашга мўлжалланган. Сув ўз вақтида янгиланиб турилади. Бу ерга келаётганларга барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Душхона, пўкаклар, тренажёрлар, гимнастика тайёқчалари, коптоклар... Буларнинг барчаси аввало болалар учун, улар чўмилишни ўрганиб чиниқишига мўлжалланган.

—Ўтган йили 13 минг сўмлик пулни хизмат кўрсатдик, — деди катта устоз А. Клементьев. — Корхона ишчилари асосан танаффус пайтларида келиб чўмилишади. Бошқа пайт эса иншоот болалар билан банд бўлаяпти.

Зилол сув ҳиёл тўлқинланиб турган ҳавзада бир гуруҳ қизларни кўрдик. Музика садолари остида баравар шўнғиб, кейин яна пайдо бўлишганда ажойиб манзара кашф этади. Қўл-оёқлари бир хил ҳаракатланади, енгил, нафис.

— Қизлар билан синхрон сузишдан машғулот ўтказаяпман, — деди сузиш бўйича спорт устаси Валентина Саклакова. — ҳозир Абель кубоги мусобақаларига тайёргарлик кўраяпмиз.

— Шуғулланаётган қизлар кимлар? — сўраймиз ундан.

— Корхона ишчиларининг фарзандлари, шу яқин атрофдаги 133, 159, 191, 233, 242-мактабларнинг ўқувчилари ҳам бор.

Дарвоқе, ҳар йили сув ҳавзаси қурилишига бош-қош бўлган корхонанинг бош муҳандиси Абель хотирасига сузиш беллашувлари уюштирилади. Мазкур спорт байрамида оилавий чиқишлар, кексалар учрашуви, шунингдек болалар иштирокидаги турли хил сузиш бақслари қизиқарли ўтиши билан алоҳида ажралиб туради. С. Раҳимов район спорт комитети мактаблар ўртасида бундай тадбирларни тез-тез ташкил этмоқда.

Шуни қувонч билан айтиш мумкинки, кейинги пайтда сув ҳавзасига маҳаллий миллатдаги болалар аввалгига нисбатан кўпроқ кела бошлашди. Малакали устозлар ўтказаётган машғулотларда улар сузишни ўрганиб, ажойиб дўстлар ҳам орттирмоқдалар. Қани энди, шундай иншоотлар пойтахтнинг ҳар бир ҳудудида ишлаб турса...

Ш. САЪДИЕВ.

СУРАТЛАРДА: «Ихтирочи» ҳавзасида шуғулланаётган болаларни кўриб турибсиз.

А. Сирожиддинов суратлари.





Бизнинг устоз

⊙ Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган бир гуруҳ мутахассисларга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган устоз» фахрий унвони берилган эди. Юксак мукофотга сазовор бўлганлар орасида самбо сирларини ёшларга ўргатиб келаётган спорт устаси, Тошкент армия спорт клубининг катта устози Авзалов Рудольф Авзаловнч ҳам бор.

«ПАХТАКОР» стадионининг кенг ва ёруғ самбо зали. Бу ерда шуғулланаётган ёшлар учун барча қулайликлар яратилган. Машқлардан олдин тренажёрларда чиниқиш мумкин. Соғлиқни сақлаш хонаси, сауна, ҳавза, массаж ва дам олиш хоналари бор. Устоз Рудольф Авзалов ёш самбочиларга кўрсатмалар бераётган экан. У билан танаффус пайтида дам олиш хонасида суҳбатлашдик.

— Шогирдларим ҳақида илиқ сўзлар айтгим келади, — деди Рудольф Авзалович. — Айниқса Эркин Ҳолиқов маҳорат кўрсатиб, ўзбек самбосини юқори босқичга кўтарди. Ўзингиз хулоса чиқаринг: 1986 йилда у Европа чемпиони бўлди. Кейинги йили эса Италияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида кумуш медаль совриндори. Бундан ташқари, халқаро классдаги спорт устаси Эркин икки маротаба Иттифоқимиз чемпиони унвонини олган. Раҳим Машарипов, Феруз Аъзамовлар ҳам ундан қолишмайди. Масалан, Раҳим Америка Қўшма Штатларида бўлиб ўтган жаҳон биринчилигида фаҳрли иккинчи ўринни эгаллади.

Самбочиларга етарли шарт-шароит яратиб берилганлигини юқорида таъкидлаб ўтдик. Аммо бу билан юқори кўрсаткичларга эришиб бўлмайди. Рудольф Авзалович яқинда хизмат юзасидан Қашқадарё вилоятига борган эди. Бу ерда миллий кураш билан ёшу қари шуғулланаётганининг гувоҳи бўлди. Ёшлар курашишга жой танлаб ўтиришмас экан. Шу боис унинг сирларини болалигидан пухта эгаллаб, самбо машқларида қийналмайдилар. Устознинг фикрича, вилоятдаги иқтидорли курашчиларни саралаб, Тошкентга таклиф қилиш керак.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Грузия ССРнинг ҳар бир вилоятида миллий курашчиларни танлаб оладиган махсус комиссиялар тузилган. Энг кучлиларни Тбилисига таклиф этиб, спортнинг самбо турига жалб этиляпти. Бундай анъана ижобий самаралар бермоқда. Жумҳуриятимизда ҳам шу тажриба жорий этилиб, Рудольф Авзалов каби устозлар раҳбарлик қилишса айни муддао бўларди.

С. ОРИПОВ.

Шатранж ажойиботлари

Англиялик икки профессор Стейниц нинг халқаро мусобақада қўлган ғалабаси билан табриклаш ниятида, унинг уйига келишди. Дастлабки суҳбат ўша пайтда урф бўлган «Мальтуса» назарияси ҳақида борди.

— Қашшоқ оилалар серфарзандликдан ўзларини тийишлари керак,— деди профессорлардан бири, — чунки уларнинг болалари ақлан заиф туғилар экан.

— Менинг отам, — таъкидлади Стейниц, — жуда ҳам камбағал ўтган. Унинг 13 фарзанди бўлиб, мен, яъни шатранж бўйича жаҳон чемпиони — Вильгельм Стейниц, роппа-роса ўн учинчисиман!

Профессор гапида давом этиб: «Ҳаётимда ҳеч қачон ҳозиргидек ҳижолат бўлмаганман! Бу келишилган «шоҳ-умот»га ўхшайди», — дея хатосини тан олди.

* * *

— Эндшпилда (ўйин охирида) ёмон ўйнамас экансиз, — деди Ласкер бир шатранжчига.

— Бўлса бордир. Лекин мени бир нарса таажжублантиради: нима сабабдан эндшпилдаги қобилиятим айтайлик, дебютда (ўйин бошида) юзага чиқмайди. Ёки булар бошқа-бошқа нарсамикин?

— Мутлақо ундай эмас, — жиддий жавоб қайтарди Ласкер ва билинар-билинмас жилмайиб қўйди. — Сиз ҳар сафар мураккаб ва кўп донали эндшпилни кўз олдингизга келтирсангиз, олам гулистон!

* * *

— Баҳсимизда устунликка эришган кўринасиз! — деди Ласкер, бир йўла ўйин сеанси пайтида.

— Бу сўзларни эшитишдан гоят хурсандман, — жавоб қайтарди рақиби.

— Сиз мени тушунмадингиз чоғи, — давом этди Ласкер. — Ҳамма гап шундаки, 13-юриш қилгунимча сиз 14-сига ҳам улгурибсиз..

Антиқа шатранжчи вариантларни текшириб кўрса, Ласкер йўқлигида ҳақиқатдан ҳам ортиқча юриш қилиб қўйган экан.

Тоҳир МУҲИТДИНОВ тайёрлаган.



Ногиронлар баҳси

Тошкент қишлоқ хўжалиги институти спорт комплексида оғир атлетика бўйича 1-Бутуниттифоқ турнири бўлиб ўтди. Унда Москва шаҳри, Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, РСФСР, Қирғизистон, Украина ва Белоруссия республикаларидан 56 нафар ногирон ёшлар қатнашишди.

Вакилларимиз — Ўзбекистон сара жамоасидан И. Безденежних, А. Облаев, К. Нурембетовлар ўз вазнларида иккинчи, С. Покришкин ва Т. Бекиров эса учинчи ўринни кўлга киритдилар.

СУРАТЛАРДА: беллашув паҳзаларн.

А. Куртмуллаев суратларн.



Гўрларга саёҳатга бормоқчимисиз?

Табиат мўъжизаларидан бири — ғорларга саёҳат сайру саёҳат ишқибозларининг энг севимли машғулотидир. Тоғлар бағри ва тоза ҳавода дам олишни истаган ҳар бир киши саёҳатнинг бу тури билан бемалол шуғулланиши мумкин. Қизиғи шундаки, ҳақиқий ғорлар, ер ости кўллари ва дарёларни ўз кўзингиз билан кўриб, суратга тушириш имкониятига эга бўласиз.

Ер остининг сирли олами билан қизиққан, шунингдек куч ва имкониятларини чамалаб кўришни истаганлар учун Тошкент саёҳатчилар даъватхонасида ўқув семинари ташкил этилди. Айни пайтда турли касбдаги 25 кишига бошланғич билимлар берилмоқда. Машғулотларда Р. Ахсанов, В. Долгий каби тажрибали сайёҳлар иштирок этишяпти.

Семинар июнь ойигача давом этади. Шундан сўнг тингловчилар Фарғона вилоятидаги I-даражали ғорлар билан танишиш учун сафарга отланадилар.

Е. КИМ.

Луқма

Савлатга қурилган

Болаларнинг соғлом, жисмонан тетик бўлиб камол топишларида жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти катта эканлиги барчага маълум. Шу ҳақда кўп гапирилади-ю, амалда етарли эътибор берилмайди.

«Сольнечний» даҳасидаги 6, 7, 8, 9 ва бошқа уйларда кўплаб болажонлар яшашаяпти. Уларнинг айраб дам олишлари учун эса шароит яратилмаган. Айниқса, оқшомларн кичкинтойлар бўш вақтларнни қаерда ўтказишни билмай қоладилар. Майдонча жиҳозланмаган, ярми синган нарвончадан бўлак ҳеч вақо йўқ. Фарзандларимиз кўпинча машиналар сақланадиган темир уйларнинг устида ўйнашади. Бирор кор-ҳол рўй бермасин деб, юрагимизни ҳовучлаб ўтирамиз.

Тўғри, даҳада «Саломатлик» ширкати соғломлаштириш ишларини олиб бораяпти. Аммо бир болага ойига 6 сўмдан пул тўлаш оғирлик қилади.

Аҳволни ўнглаш мақсадида бир неча марта 30-турар жой бошқармаси ҳамда Куйбишев район ижроия комитетига мурожаат қилдик. Афсуски, бу жойлардан ҳанузгача жавоб келмади.

Наҳотки биргина майдончани жиҳозлаб бериш шунчалик қийин бўлса!

А. ИСМОИЛОВА,

«Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг муҳандиси.

Муҳаррир

Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Маданият вазирлиги

А. НАВОИЙ НОМИДАГИ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ АКАДЕМИК ҚАТТА ТЕАТРИНИНГ

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

4 майда — ДОН КИХОТ.
5 майда — БИР КЎРИНИШЛИ БАЛЕТЛАР.
6 майда — ЭТИК КИЙГАН МУШУК (12.00), **РАЙМОНДА** (18.00).
8 майда — ТЎМАРИС.
9 майда — КОНЦЕРТ.
12 май соат 18.00 да — хореография билим юрти ўқувчиларининг ҲИСОБОТ КОНЦЕРТИ.
13 майда — хореография билим юрти ўқувчиларининг ҲИСОБОТ КОНЦЕРТИ (12.00), **ОЛОВЛИ ФАРИШТА** (18.00), **П. И. ЧАЙКОВСКИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 150 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ.**
15 майда — ЕВГЕНИЙ ОНЕГИН.
16 майда — УЙҚУДАГИ ГЎЗАЛ.
17 майда — ИОЛАНТА.
18 майда — ОҚҚУШ КЎЛИ.
19 май соат 18.00 да — ПИКОВАЯ ДАМА.
20 майда — ЧИПОЛИНО (12.00), **КОНЦЕРТ** (18.00).
23 майда — КОРСАР.
24 майда — СПАРТАК.
27 майда — АИДА (18.00).
28 майда — М. Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси қошидаги опера студиясининг спектакли — ГОФМАН ЭРТАКЛАРИ».

Кундузги спектакллар соат 12.00 да, кечки спектакллар соат 19.00 да бошланади.

ШАНБА ВА ЯКШАНБА КУНЛАРИДАГИ СПЕКТАКЛЛАР СОАТ 18.00 ДА БОШЛАНАДИ.

Билетлар театр кассасида соат 10 дан бошлаб 19.30 гача сотилади, танаффус соат 15.00 дан 16.00 гача.

Маълумотлар учун телефон — 33-90-81.

«ПАХТАКОРЧИ»

ТОШКЕНТ ШАҲАР ФУТБОЛ ИШҚИБОЗЛАРИ КЛУБИ

ҚАБУЛНИ ҚАЙТА ТИКЛАДИ

СССР биринчилигининг барча ўйинлари, кубок ва ўртоқлик ўйинларига — 35 сектор, ўқувчилар учун 24-сектор (2 сўм) йиллик имтиёзли абонементлар тарқатилади.

Клубга кирганлар байроқлар, вимпеллар билан таъминланадилар. Футболчилар ва тренерлар билан учрашувлар планлаштирилган. Клубда спорт нашрлари, анжом кўргазмаси, стол ўйинлари бор.

М. Горький номли маданият ва истироҳат боғи видеосалонида «Пахтакор»нинг сайёр ўйинлари томоша қилинади, «Пахтакор» стадионининг кичик спорт майдонида «Дам олиш турнирлари» шаҳар ва Бутуниттифоқ мусобақаларида қатнашилади.

Ўқувчи ва талабалар учун дастлабки аъзолик бадали — 2 сўм, бошқалар учун 6 сўм.

КЛУБ «ЕШЛИК» СПОРТ АРЕНАСИДА ЖОЙЛАШГАН.

Чоршанба кунлари соат 18 дан 20 гача, якшанба кунлари соат 10 дан 14 гача ишлайди.
Телефон 44-50-20.

Тошкент шаҳар савдо Бош бошқармасининг

«ЕШЛИК» МАКТАБ-МАГАЗИНИ

ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИ КОНТРОЛЁР-КАССИРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН 6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИ КИЧИК СОТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН

4 ОЙЛИК КУРСЛАРИГА

навбатдаги қабулни ўтказади

25 ёшгача бўлган, 8 ва 10-синф ҳажмидаги маълумотли, Тошкент шаҳрида доимий пропискаси бўлган қизлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Ўқувчиларга ойига 50 сўмдан 64 сўмгача стипендия тўланади ва ўқиш вақти меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Ўқувчилар айни пайтда кечки мактабда ёки савдо техникумларида ўқишлари ҳам мумкин.

Ўқишни битирганларга йирик магазинларга ишга йўлланма берилади ва Совет савдоси техникумининг сиртқи бўлимига ўқишга киришлари учун имтиёзли шароит яратиб берилади.

Ўқишлар рус ва ўзбек тилларида олиб борилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Кафанов кўчаси, 65-уй (1, 2, 5, 8, 9, 10, 24, 26-трамвайларнинг «Госпиталь бозори» бекати).

Қўшимча маълумотлар олиш учун телефон: 55-75-15.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги Халқ таълими Бош бошқармаси

Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш вазирлигининг «Ўзэлектромонтаж» ихтисослашган трести негизидаги

7-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1990-91 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги ихтисослар бўйича юқори малакали мутахассисларни тайёрлайди: ёруғлик тармоқлари ва ёритиш бўйича электр монтажчи, электр қувватн йўналишини ўзгартиришнинг иккиламчи занжирлари бўйича электр монтажчи, контроль-ўлчов асбобларн ва автоматиканн тузатиш бўйича слесарь, фильмни текширнш ишини бажара оладиган киномеханик, қўлда электр ёйи ёрдамида пайвандлаш бўйича электр пайвандчи, металл конструкцияларини йиғувчи-слесарь, боғлардаги аттракцион ускуналарнни тузатиш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича механик.

Ўқиш муддати — 9-синф маълумоти билан 3 йил, 11-синф маълумоти билан 1 йил;

Видеотехниканн тузатиш ва унга хизмат кўрсатиш бўйича механик, ўйин автоматларн ва компьютер техникасини тузатиш ва унга хизмат кўрсатиш бўйича механик.

Ўқиш муддати — 11-синф маълумоти билан 2 йил.

11-синфни битириб ўқишга кирган ёшлар ойига 30 сўм миқдоридаги стипендия билан таъминланадилар, 9-синфни битириб келганлар тўлиқсиз давлат таъминотида бўладилар. Билим юртини муваффақиятли тугатганлар тўлиқ ўрта маълумот ва касбга эга бўлганликлари тўғрисида диплом оладилар

Совет Армияси сафларидан запасга бўшатилган, 11-синф маълумоти билан электр монтажчи ва электр пайвандчи ихтисослари бўйича ўқишга кирганлар 6,5 ой ўқийдилар.

Машғулотлар — гуруҳлар тўлишига қараб бошланади.

Билим юртидаги ўқиш вақти меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади. Билим юрти битирувчилари техникумлар ва олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртида ётоқхона йўқ.

Техника ижодиёти, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ва спорт шўъбалари ишлаб турибди.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар: ариза, маълумот ҳақидаги ҳужжат, турар жойидан ва тиббий (286-сонли намунадаги) справкалар, 3х4 см. катталикдаги 6 та фотосурат, характеристика.

Манзилимиз: 700022, Тошкент шаҳри, Ивановолик тўқувчилар кўчаси, 8-уй (4, 7, 9, 11, 24, 28-трамвайлар; 2, 6, 13, 16-троллейбуслар; 3, 32, 33, 34, 40, 45, 57, 58, 79, 80, 99, 182-автобусларнинг «Тўқимачилик комбинати» бекати).

Телефон — 53-31-21.

Ўзбекистон ССР Маданият вазирлиги
М. Қориёқубов номли Ўзбек давлат филармонияси

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

«БАҲОР ТАРОНАЛАРИ»

М. ҚОРИЁҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИНИНГ БАДИИЙ ҚОЛЛЕКТИВЛАРИ ВА ЕТУҚ ХОНАНДАЛАРИНИНГ

БАЙРАМ КОНЦЕРТЛАРИ

5 май соат 19.30 да

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
Аҳмаджон ШУҚУРОВ

«ЗАРАФШОН» ФОЛЬКЛОР ВОКАЛ-ХОРЕОГРАФИК АНСАМБЛИ.

6 май соат 19.30 да

Раҳматжон ҚУРБОНОВ

«ЛАЗГИ» ВОКАЛ-ХОРЕОГРАФИК АНСАМБЛИ

9, 10 май соат 19.30 да

Ўзбекистон ССР халқ артисти
Ғуломжон ЁҚУБОВ

Билетлар СССР Халқлари дўстлиги саройи кассаларида соат 11.00 дан сотилади.

ТЎЙЛАР МУБОРАК!

Тўй тантаналарида маданий хизмат қилишга мослаштирилган ва замонавий репертуарларга эга бўлган Авиасозлар маданият саройининг

«САМО» АНСАМБЛИ

бахт ва шодлик оқшомини кўнгилдагидек ўтказишда

ХИЗМАТИНГИЗГА ТАЙЁР!

Ансамблни кассага пул тўлаш йўли билан тўйхонага таклиф қилишингиз мумкин.

Буюртмалар олдиндан ҳар куни соат 16.00 дан маданият саройининг 2-қават, 90-хонасида қабул қилинади.

Маконимиз: Авиасозлар шаҳарчаси, Лисунов кўчаси, Авиасозлар маданият саройи (15, 23, 48, 72, 151, 54, 6-автобуслар; 3, 23-трамвайларнинг «Маданият саройи» бекати. Метронинг «Чкалов» станцияси). Телефон: 96-55-81.

«ИНСОН ҲАЁТИНИ ВА ҚАДР-ҚИММАТИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИБ»

7 МАЙДАН 13 МАЙГАЧА

Тошкентда ўтадиган бир мавзудаги ҳужжатли фильмларнинг намойиши ана шундай деб номланган.

«Дружба» кинотеатрида
7—9 Қизил Хоч мактабда.
10—13 Агар соғлом бўлай десанг.

«Мир» кинотеатрида
7—9 Беморни уйда парваришлаш.
10—13 Диспансерлаш сиҳат-саломатлик хизматида.

Собир Раҳимов номли кинотеатрда
7—9 Қон бермоқ — ҳаётни асраб қолиш демакдир.
10—13 Инсон ҳар томонлама гўзал бўлиши керак.

«Тинчлик» кинотеатрида
7—9 Ўз-ўзини даволашнинг зарари.
10—13 Сиҳат-саломатлик — ҳаракатда.

Ғафур Ғулом номидаги кинотеатрда
7—9 Зарарли одатлар ва саломатлигингиз.
10—13 Саломатлигингиз учун ўзингиз жавобгарсиз.

«Янгнобод» кинотеатрида
7—9 Донорнинг бебаҳо совғаси.
10—13 Бўлажак оила ва саломатлик.

Кинофильмларни ижарага бериш Тошкент шаҳар идораси Қизил Ярим ой жамиятининг Тошкент шаҳар комитети билан.
«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 4/V да **Дон Кихот**, 5/V да **Бир актли балетлар.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 4/V да **Олтин тўй**, 5/V да **Олтин тўй.**

КИНО

4 МАЙДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «ТЕМИР ҲОТИН» (ўзбек тилида, К. Ерматов номли «Ўзбекфильм» киностудияси маҳсулоти катта зал, 11, 14, 17, 20,00); «ТЕМИР ҲОТИН» (ўзбек тилида 12, 15, 18, 20.45).

Чайка — «САБР КОСАСИ» (21.00); «ТЕМИР ҲОТИН» (ўзбек тилида, 11, 13,30, 16, 18.30).

Москва — «МОДЕРНИСТЛАР» (11, 13,30, 16, 18,20, 20.40).

Восток — «БЕБОШ ЭРКАКЛАР» (11, 13, 15, 17, 19, 20,45).

Фестиваль (ёзги) — «БЕБОШ ЭРКАКЛАР» (21,30).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «САБР КОСАСИ» (11, 15, 19.00); «ВИТЕБСК ИШИ», 1-фильм, «ЖИНОЯТ» (13, 17, 20,00).

К. Ерматов номли — «ЖАНОБ ҲИНДИСТОН» (11, 13,30, 16, 18,30, 20.00).

5 МАЙДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «ТЕМИР ҲОТИН» (ўзбек тилида, К. Ерматов номли «Ўзбекфильм» киностудияси маҳсулоти, катта зал, 17, 20,00); «ТЕМИР ҲОТИН» (ўзбек тилида, 18, 20.45).

Чайка — «САБР КОСАСИ» (21,00); «ТЕМИР ҲОТИН» (ўзбек тилида, 18.30).

Москва — «МОДЕРНИСТЛАР» (18,20, 20.40).

Восток — «БЕБОШ ЭРКАКЛАР» (17, 19, 20.45).

Фестиваль (ёзги) — «БЕБОШ ЭРКАКЛАР» (21,30).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «САБР КОСАСИ» (19.00); «ВИТЕБСК ИШИ» 1-фильм, «ЖИНОЯТ» (17, 20,00).

К. Ерматов номли — «ЖАНОБ ҲИНДИСТОН» (18.30, 20,00).

ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА АЛОҚА ИНСТИТУТИ

7 МАЙ КУНИ

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИНИ ЎТКАЗАДИ

Кун тартибида:

Институт лабораториялари бўйлаб экскурсия, физика-математика олимпиадаси.

Эрталаб соат 10.00 да институт фойесида тўпланилади.

Манзилимиз: 28, 25, 22, 16, 2, 29-трамвайларнинг «Алоқа институти» бекати; 24, 60, 67, 72, 91, 156, 165, 8, 9, 51- автобусларнинг «Ғалаба боғи» бекати.

«Тошкент оқшоми» рўзномасига тажрибали мусаҳҳиҳ (корректор)

КЕРАК

Мурожаат қилиш учун телефонлар: 33-57-02, 32-57-82.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р. — 10058.

Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.

1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.